2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 174 (1235), 2024 йил 29 август, пайшанба

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz

# ЖОНАЖОН ВАТАНИМИЗНИ БУТУН ЖАҲОНГА ТАРАННУМ ЭТГАН МАРД ВА МАТОНАТЛИ СПОРТЧИЛАРИМИЗ ШАРАФЛАНДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 28 август куни XXXIII ёзги Олимпия ўйинлари ғолиб ва совриндорлари билан учрашди.**





Тадбирда Миллий олимпия қўмитаси ва спорт федерациялари раҳбарлари, мураббийлар, спортчиларнинг ота-оналари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари ҳам қатнашди.

Маълумки, ушбу Олимпия ўйинлари 26 июлдан 11 августгача Франция пойтахти Париж шаҳрида бўлиб ўтди. Унда 200 дан зиёд давлатдан 11 минг нафарга яқин энг кучли атлетлар қатнашди. Ўзбекистон 19 та спорт тури бўйича 90 нафар спортчи билан иштирок этди. Бу нуфузли мусобақа биз учун том маънода рекордлар, мислсиз ютуқларга бой бўлди.

Давлатимиз раҳбари спортчиларни ушбу улкан тарихий ғалаба билан табриклаб, нутқ сўзлади.

— Сизлар ғоят кескин беллашувларда юксак жасорат ва матонат кўрсатиб, 8 та олтин, 2 та кумуш, 3 та бронза медални қўлга киритганингиз мамлакатимизнинг тараққиёт борасидаги юксак салоҳиятини ифода этадиган ёрқин натижадир. Бу тарихий ғалаба Янги Ўзбекистон ёшлари қандай буюк ишларга қодир эканини яна бир марта амалда намойиш этди. Мамлакатимиз иштирокчи давлатлар орасида умумжамоа ҳисобида ўн учинчи ўринни, Осиё қитъасида тўртинчи ўринни, туркий ва ислом мамлакатлари ҳамда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги бўйича биринчи ўринни эгаллади. Барчамизни қувонтирган бу натижалар Ўзбекистон тарихида илгари ҳеч қачон бўлмаган ютуқлардир, — деди Шавкат Мирзиёев.

Бунинг учун спортчи ва мураббийларга барча шароитлар яратилди. Спортчиларни тайёрлашга ёндашув ўзгартирилиб, изланиш ва эътибор кучайди.

*Давоми 2-бетда*

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ПАРИЖДА БЎЛИБ ЎТГАН XXXIII ЁЗГИ ОЛИМПИЯ ЎЙИНЛАРИДА ИШТИРОК ЭТГАН ЎЗБЕКИСТОН СПОРТ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ВАКИЛЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВДАГИ НУТҚИ

Муҳтарам ватандошлар!

Қадрли спортчи ўғил-қизларим!

Ҳурматли мураббий ва мутахассислар!

Сиз, азизларни Франциянинг Париж шаҳрида бўлиб ўтган XXXIII ёзги Олимпия ўйинларида муносиб иштирок этиб, эришган улкан тарихий ғалабангиз билан яна бир бор чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Дунёнинг 200 дан зиёд давлатидан 11 минг нафарга яқин энг машҳур спортчилар қатнашган ушбу нуфузли спорт анжумани биз учун том маънода рекордлар, мислсиз ютуқларга бой бўлди.

Аввало, мазкур Олимпиадада Ўзбекистон биринчи марта энг кўп таркиб билан, яъни 19 та спорт тури бўйича 90 нафар спортчи билан иштирок этганини таъкидлаш лозим. Айниқса, аёллар кураши, камондан ўқ отиш, сувга сакраш, футбол каби спорт турлари бўйича спортчиларимиз илк бор Олимпия ўйинларида қатнашганини алоҳида эътироф этиш керак.

Жаҳондаги нуфузли “Financial Times” нашрининг таъкидлашича, **Олимпия медаллари, мамлакатнинг спорт оламида эришаётган ютуқлари давлатнинг умумий ривожланиш ва инсоний тараққиёт даражасини билдиради.**

Чиндан ҳам сизлар ғоят кескин беллашувларда юксак жасорат ва матонат кўрсатиб, 8 та олтин, 2 та кумуш, 3 та бронза медални қўлга киритганингиз мамлакатимизнинг тараққиёт борасидаги юксак салоҳиятини ифода этадиган ёрқин натижадир.

**Бу тарихий ғалаба Янги Ўзбекистон ёшлари қандай буюк ишларга қодир эканини яна бир марта амалда намойиш этди.** Мамлакатимиз иштирокчи давлатлар орасида умумжамоа ҳисобида 13-ўринни, Осиё қитъасида 4-ўринни, туркий ва ислом мамлакатлари ҳамда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги бўйича 1-ўринни эгаллади. Барчамизни қувонтирган бу натижалар Ўзбекистон тарихида илгари ҳеч қачон бўлмаган ютуқлардир.

Эсингизда бўлса, биз Токио Олимпиадасидан сўнг кейинги сафар албатта жаҳонда кучли ўн бешталикка кирамиз, деб ният қилган эдик. Лекин фақат ниятнинг ўзи билан чекланмасдан, аввало, бу масалага бўлган қарашимизни ўзгартириб, уч йил давомида қаттиқ ва тинимсиз меҳнат қилдик, спортчиларимиз учун барча шароитларни яратиб, ана шундай юксак марраларни забт этдик.

Чин дилдан интилиб, астойдил ҳаракат қилсак, қўлимиздан келар экан-ку!

Албатта, сиз, моҳир спортчилар, тажрибали мураббий ва мутахассислар илгари ҳам кўплаб нуфузли халқаро мусобақаларда юқори натижаларни қўлга киритгансиз. Ғолиблик, ғалаба туйғуси сизларга бегона эмас. Лекин Олимпиада ўйинларидаги ҳар бир ютуқ, ҳар бир юксак натижанинг ўрни, моҳияти ва аҳамияти беқиёсдир.

Чунки тўрт йилда бир марта ўтадиган бундай йирик халқаро мусобақада дунёдаги ҳар бир мамлакатнинг спорт соҳасига бераётган эътибори, миллат ва халқнинг жисмоний ва маънавий салоҳияти яққол намоён бўлади.

Бундай улкан аренада энг кучли ва моҳир атлетлар, зўрларнинг зўри иштирок этади. Уларнинг орасида ғолиб чиқиш, зафар қозониш учун йиллар давомида тинимсиз машқ қилиш, бор кучи ва маҳоратини сафарбар этиш, пўлатдай мустаҳкам ирода ва матонат кераклигини ҳаммамиз яхши биламиз.

*Давоми 2-бетда*

## КЎП ҚИРРАЛИ ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 27 август куни Туркман халқининг миллий етакчиси, Туркманистон Халқ Маслаҳати Раиси Гурбангули Бердимуҳамедов билан телефон орқали мулоқот қилди.**

Ўзбекистон — Туркманистон дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш, мамлакатларимиз ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтиришнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Суҳбат аввалида Туркман халқининг миллий етакчиси, Туркманистон Халқ Маслаҳати Раиси давлатимиз раҳбарига Туркманистон Президенти Сердар Бердимуҳамедовнинг самимий саломини етказди.

Ўзбекистон ва Туркманистон етакчилари икки томонлама алоқалар жадал ривожланиб бораётганини катта мамнуният билан қайд этдилар. Фаол сиёсий мулоқот ва алмашинувлар давом этмоқда, ўзаро товар айирбошлаш ҳажми барқарор суръатлар билан ўсмоқда, иқтисодиётнинг турли тармоқларида етакчи корхоналарнинг кооперацияси кучаймоқда.

Мунтазам равишда қўшма маданий-гуманитар тадбирлар ўтказилмоқда.

Суҳбат чоғида транспорт-коммуникация ва энергетика соҳаларида қўшма лойиҳаларни илгари суришга алоҳида эътибор қаратилди.

**ЎзА**

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ТУРКИЯ БИЛАН МАДАНИЙ-ГУМАНИТАР АЛОҚАЛАР ЖАДАЛ РИВОЖЛАНАЁТГАНИНИ МАМНУНИЯТ БИЛАН ТАЪКИДЛАДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 28 август куни Туркия Республикаси маданият ва туризм вазири Меҳмет Нури Эрсой бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.**

Учрашувда юқори мартабали меҳмон Ўзбекистон етакчисига Туркия Президенти Режеп Таййип Эрдоғаннинг самимий саломи ва энг эзгу тилакларини етказди.

Ўзбекистон — Туркия кенг қамровли стратегик шериклик муносабатларини янада ривожлантириш, маданий-гуманитар ва сайёҳлик соҳаларидаги ҳамкорликни кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Давлатлараро ҳамкорликнинг бугунги юксак даражаси алоҳида мамнуният билан қайд этилди. Ўзаро савдо ва инвестициялар, юк ташиш ҳажми, ишбилармонлик ва сайёҳлик сафарлари сони ортмоқда. Ҳар ҳафта 90 дан ортиқ авиақатнов амалга оширилмоқда.

Жадал маданий-гуманитар алмашинувни давом эттиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Тегишли “йўл харитаси”ни тезроқ қабул қилиш, амалий ҳамкорликнинг институционал механизмларини ишга тушириш, миллий маданият ва кино кунларини ўтказиш, санъат, маданий меросни муҳофаза қилиш, туризм салоҳиятини юзага чиқариш ва бошқа устувор йўналишларда қўшма лойиҳаларни илгари суриш муҳимлиги таъкидланди.

**ЎзА**

## САНОАТ ТАРМОҚЛАРИДА САМАРАДОРЛИКНИ ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

**Президент Шавкат Мирзиёев 28 август куни саноат тармоқларида ишлаб чиқариш ва самарадорликни ошириш масалалари бўйича йиғилиш ўтказди.**

Бу йил 7 ойда саноат ҳажми 7,1 фоизга ўсиб, 435 триллион сўмга етди. Электр техникаси, тўқимачилик, чарм ва автомобиль саноатида юқори ўсиш бўлди. Жойларда 1,3 мингта янги қувватлар ишга туширилиб, қўшимча 40 триллион сўмлик ишлаб чиқариш манбаси яратилди.

Лекин ҳамма ҳудуд ва тармоқда ҳам ишлар бирдек эмас. Хусусан, 4 та туманда саноат ҳажми ўтган йилгига нисбатан камайган, 14 тасида эса ўсиш 2 фоизга ҳам етмайди.

Шу боис, жойларда саноат билан “корхонабай” ишлаш тизими йўлга қўйилди. Бош вазир ўринбосари — иқтисодиёт ва молия вазири шу борада бошланган ишлар ва йил якунигача мўлжалланган режалар бўйича ахборот берди.

Қайд этилганидек, ҳудудлардаги корхоналар ўрганилиб, муаммолари ҳал қилиб борилмоқда. Жумладан, айланма маблағ, электр ва газ таъминоти, солиқ масалалари бўйича кўмаклашилган. Йил якунигача 30 триллион сўмлик қўшимча ишлаб чиқаришни таъминлаш имконияти бор.

Бунинг учун ишчилар сонидан келиб чиқиб, корхоналарга масъулларни бириктириш, тадбиркорларни замонавий ёндашувларга ўқитиш борасида кўрсатмалар берилди. Ҳар бир вилоятнинг саноатга ихтисослашган туманлари бўйича дастур ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

Йирик лойиҳаларни ишга тушириш, давлат харидларида маҳаллий маҳсулотлар улушини кўпайтириш, экспорт ҳажмини ошириш чора-тадбирлари муҳокама қилинди.

**ЎзА**

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

2024 йил 29 август, 174-сон

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ПАРИЖДА БЎЛИБ ЎТГАН XXXIII ЁЗГИ ОЛИМПИЯ ЎЙИНЛАРИДА ИШТИРОК ЭТГАН ЎЗБЕКИСТОН СПОРТ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ВАКИЛЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВДАГИ НУТҚИ

**Бошланиши 1-бетда**

Шу маънода, **сизлар халқимизнинг чинакам қаҳрамонлари, ботир ўғил-қизлари, Ватанимиз ифтихорларисиз. Барчамиз сизлар билан ғурурланамиз!**

Ҳурматли анжуман иштирокчилари!

Бўлиб ўтган Олимпиада ўйинларида юртимиз вакиллари бир қатор рекорд натижаларни қўлга киритдилар. Масалан, дзюдо бўйича бизда илгари олтин медаль бўлмаган эди. Бу сафар матонатли дзюдочи қизимиз Диёра Келдиёрова томонидан ушбу марра забт этилди.

Не-не полвон қизларни доғда қолдирган бу қаҳрамон спортчимиз ёзги Олимпия ўйинлари тарихида ўзбекистонлик аёллар ўртасида биринчи марта олтин медални қўлга киритди. Шу тариқа Диёра яна бир рекорд ўрнатди. Самарқанд вилоятининг Пастдарғом туманида оддий оилада туғилиб вояга етган бу спортчимизнинг номи дунёга достон бўлди. Мамлакатимиз ва чет эл матбуоти уни “Оламни маҳлиё айлаган Диёра” деб таърифлади.

Яна бир жасур қизимиз — Светлана Осипова эса таэквондо бўйича биринчи кумуш медални эгаллаб, мамлакатимиз аёллар спорти тарихида янги саҳифа очди.

Шу тариқа спортчи қизларимиз битта Олимпиадада илк бор 2 та медални қўлга киритиб, янги рекорд ўрнатишга эришдилар. Мана шундай матонатли, фидойи қизларимизнинг спорт оламидаги жасорати ҳар қандай юксак таҳсинга лойиқдир.

Таъкидлаш керакки, Ўзбекистон таэквондо бўйича биринчи марта Олимпия ўйинларида 2 та медални қўлга киритди. Шу тариқа терма жамоамиз ўз тарихидаги энг яхши натижани қайд этди ва умумжамоа ҳисобида 3-ўринни эгаллади.

Айниқса, моҳир спортчи ўғлонимиз Улуғбек Рашитов Олимпия ҳаракати солномасида таэквондо бўйича энг ёш тоифада икки карра Олимпия чемпиони бўлди. Шу пайтгача дунёда фақат 4 нафар спортчи шундай юксак шарафга сазовор бўлган эди. Улуғбек эса бешинчи бўлиб, уларнинг сафидан муносиб ва мустаҳкам жой эгаллади.

У оёғидан қаттиқ жароҳат олганига қарамай, шиддатли финал жангида кучли рақибга қарши мардона жанг қилиб, ғолиб қаҳрамонга айланди.

Мана, бизнинг қандай шерюрак ўғлонларимиз бор!

Шу билан бирга, бу галги Олимпия ўйинларида Ўзбекистон дзюдо бўйича ўз тарихида энг кўп медаль олганини айтиш ўринлидир.

Бокс бўйича миллий терма жамоамиз олтин медаллар сони бўйича мамлакатимиз тарихида Олимпия ўйинлари рекордини янгилади ва умумжамоа ҳисобида 1-ўринни эгаллади. Эркаклар ўртасида еттита олтин медалнинг бештасини — эътибор беринг, бештаси — ёки 71 фоизини бизнинг боксчиларимиз қўлга киритдилар.

Бу — чинакам жасорат ва баҳодирлик намунаси эмасми?!

Бу — Янги Ўзбекистон тарихининг чинакам янги саҳифалари эмасми?!

Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон ифтихорлари — моҳир боксчиларимиз Баҳодир Жалолов, Ҳасанбой Дўсматов, Асадхўжа Мўйдинхўжаев, Лазизбек Муллажонов, Абдумалик Халоқовни ана шундай шонли ютуқлари билан яна бир бор қизғин табриклайман.

Эркин кураш бўйича 12 йиллик танаффусдан сўнг яна Олимпиада олтин медалини қўлга киритдик. Бу ҳам тарихий ютуқдир. Шу муносабат билан моҳир курашчи Разамбек Жамаловни ҳам самимий қутлаб, унга янги зафарлар тилаб қоламиз.

Мамлакатимиз жамоаси эришган ютуқларда кумуш медаль соҳиби — оғир атлетикачи Акбар Жўраев, бронза медаль совриндорлари — эркин курашчи Ғуломжон Абдуллаев, тажрибали дзюдочиларимиз Музаффарбек Тўрабоев, Алишер Юсуповнинг ҳам ҳиссаси катта бўлди.

Спортчиларимиз шарафига Европанинг қоқ марказида — қадимий Париж майдонида Ўзбекистон мадҳияси 8 бор янграб, мамлакатимиз байроғи 13 марта баланд кўтарилди.

Жонажон Ватанимизни бутун дунёга тараннум этган мард ва матонатли ёшларимизга шон-шарафлар бўлсин!

Қадрли юртдошлар!

Бугун ҳаёт, замон кескин шиддат билан ўзгармоқда. Мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, мамлакатимиз барча соҳаларда дадил олдинга бормоқда.

Янги Ўзбекистоннинг бугунги тараққиётига албатта мана шундай улкан ғалабалар ярашади. Шу маънода, сизлар Парижда эришган натижаларингиз билан ўз номингизни миллий спортимиз тарихига олтин ҳарфлар билан муҳрлаб қўйдингиз. Сизлар халқимиз қалбидаги миллий ғурур туйғусини ҳар томонлама юксалтирдингиз.

Энг муҳими, бундай порлоқ ғалабалар эл-юртимизни руҳлантиради, янада бирлаштиради. Улар ёшларимиз учун мардлик ва матонат, ибрат ва шон-шараф мактаби бўлиб хизмат қилади.

Ҳеч шубҳасиз, бу оламшумул ютуқларда сиз, азиз спортчиларимиз билан бирга талабчан ва фидойи устоз-мураббийлар, мутахассис ва мутасаддилар, сизларга чин дилдан омад тилаб турган бутун халқимизнинг ҳиссаси ҳам беқиёсдир.

Ҳурматли спортчи ёшлар!

Шу кунларда бутун халқимиз Мустақиллик байрамининг руҳи ва шукуҳи билан яшамоқда. Сизлар эришган ёрқин ғалабалар ана шу энг улуғ ва қадрли байрамимизга том маънода муносиб совға бўлди.

Албатта, ҳамиша кескин ва муросасиз курашлар остида ўтадиган Олимпия ўйинларида иштирок этиш ҳаммага ҳам насиб этмайди. Фақат энг шижоатли, энг иродали спортчиларгина бундай шарафга муяссар бўла олади.

Шу маънода, Олимпиада ўйинларида Ўзбекистон шарафини астойдил ҳимоя қилган, лекин озгина омади келмаган спортчиларимизни ҳам самимий табриклаймиз. Хусусан, бадиий гимнастика бўйича спортчи қизларимиз Олимпия ўйинлари тарихида биринчи марта гуруҳ беллашувларининг финал босқичига етиб бордилар. Улар дунёнинг энг кучли 8 та жамоаси орасидан жой эгаллагани ҳам ўзига хос муҳим натижа, албатта.

Шу билан бирга, мамлакатимиз тарихида биринчи марта Олимпия майдонларида тўп сурган навқирон футболчиларимиз жаҳондаги энг кучли жамоаларга қарши муносиб кураш олиб борганини таъкидлаш лозим.

Олимпиада ўйинлари кўплаб спортчиларимиз учун — гарчи улар совринли ўринларга эришмаган бўлсалар ҳам — ўзига хос катта тажриба мактаби бўлди. Ва барчамиз келгусида улардан юксак натижалар кутишга ҳақлимиз.

Муҳтарам анжуман иштирокчилари!

Франция майдонларида эришилган тарихий ютуқларда мамлакатимизда спорт ва жисмоний тарбия соҳасига, Олимпия ҳаракатини равнақ топтиришга берилаётган улкан эътибор, яратилган самарали тизим ва қулай шароитлар, спортчи ёшларимизни муносиб рағбатлантириш ҳам катта роль ўйнаганини яна бир бор қайд этмоқчиман.

Фурсатдан фойдаланиб, XXXIII ёзги Олимпия ўйинларида қатнашиб, Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилган спортчиларимизга, уларнинг устоз ва мураббийларига, Ўзбекистон спорт делегациясининг барча аъзолари ва раҳбарларига чин дилдан миннатдорлик билдираман!

Бугунги тантанамизда ғолиб спортчиларимизнинг ҳурматли ота-оналари ҳам иштирок этмоқда. Шундай паҳлавон, ватанпарвар фарзандларни эл-юртимизга тарбиялаб берган сиз, азизларга алоҳида ташаккур айтмоқчиман.

Ҳеч қачон кам бўлманглар, катта раҳмат сизларга!

Қадрли юртдошлар!

Шу ўринда барчамиз гувоҳи бўлган яна бир муҳим жиҳатни айтиб ўтмоқчиман.

Спортчиларимизнинг улкан ғалабалари нафақат халқимизни, балки бутун минтақамизни руҳлантириб юборди. Бундай ютуқлар халқларимизни бирдамликка, ҳар қандай шароитда ҳам елкама-елка туришга чорлагани қалбимизни фахру ғурурга тўлдирди.

Айниқса, бокс бўйича ўзбек мураббийси Акмал Ҳасанов қирғизистонлик боксчи Мунарбек Сейитбек ўғлига ёрдам бериб, уни мусобақанинг финалигача олиб боргани минтақамиздаги дўстона муносабатнинг ёрқин намунаси бўлди.

Аҳил қўшничилик тамойилларига қурилган сиёсатимиз бугун халқларимиз юрагига кўчганини кўриш албатта қувончлидир.

Ҳурматли дўстлар!

Олимпиадачиларимизнинг буюк ғалабаси бутун халқимиз қатори ижод аҳлини — шоирлар ва журналистлар, санъаткор ва блогерларни ҳам руҳлантириб юборди. Сизларнинг шаънингизга атаб ўнлаб шеърлар, мақолалар ёзилди, ҳатто чет элларда ҳам қўшиқлар куйланди. Бу тарихий воқеага бағишлаб, Ёзувчилар уюшмаси томонидан “Олимп узра ҳилпирар Ўзбекистон байроғи” деб номланган янги китоб куни кеча нашрдан чиқарилди.

Бугун сизлар каби қаҳрамонларимиз жасорати тараннум этилган ушбу китобни ҳар бирингизга эсдалик совғаси сифатида тақдим этар эканмиз, ижодкорларимизга ҳам албатта раҳмат айтамиз.

Қадрли юртдошлар!

Шу кунларда барчамизнинг эътиборимиз яна Францияга, у ерда бўлиб ўтаётган Паралимпия ўйинларига қаратилган.

Ана шу нуфузли халқаро мусобақаларда қизғин кураш олиб бораётган мард ва матонатли спортчиларимизни Мустақиллик байрами билан чин дилдан қутлаб, барча беллашувларда уларга улкан куч-ғайрат, ютуқ ва омадлар тилаймиз.

Уларга ҳам сизларнинг йўлингизни, бахтингизни берсин!

Ҳурматли анжуман қатнашчилари!

Албатта, Париждаги натижаларимизни чуқур таҳлил қилиб, улардан зарур хулоса ва сабоқлар чиқарган ҳолда, 2028 йили Лос-Анжелесда бўладиган навбатдаги олимпиадага тайёргарликни ҳозирдан бошлашимиз керак.

Келгуси Олимпиадада кучли ўнликка кириш бош мақсадимиз бўлади. Масалан, Париж Олимпиадасида 32 та спорт тури бўйича 329 та медаллар жамланмаси учун кураш олиб борилди. Эътибор беринг, сузиш, сувга сакраш, синхрон сузиш, сув полосида — 49 та, енгил атлетика бўйича — 48 та, байдарка ва каноэда эшкак эшиш — 30 та, велоспорт турлари бўйича — 22 та, ўқ отиш ва камондан отишда — 20 та, гимнастикада — 14 та медаллар соврин сифатида қўйилган эди.

Ушбу спорт турларининг барчаси бўйича бизда спорт федерациялари ҳам, мусобақаларга тайёргарлик кўриш учун тегишли база ҳам бор. Энг муҳими, бизда бу борада иқтидорли спортчилар ҳам етарли.

Лекин енгил атлетикадан атиги 5 та, сув спорти турларидан бор-йўғи 4 та лицензия олганимиз, теннис, стол тенниси, бадминтон, ўқ отиш каби йўналишларда бирорта спортчимиз Олимпиадага бормагани бизни чуқур ўйлантириши керак.

Париж натижалари бўйича спортчиларимизга ҳеч кимнинг эътироз билдиришга ҳаққи йўқ. Уларнинг барчаси қўлидан келганча ҳаракат қилди ва биз улардан албатта миннатдормиз.

Асосий эътироз — спорт федерацияларига! Айниқса, чим устида хоккей, баскетбол, гандбол, регби, сув полоси каби жамоавий спорт турлари бўйича натижаларимиз биз кутгандек бўлмади. Юнон-рум кураши, от спорти, замонавий бешкураш, триатлон, қиличбозлик, эшкак эшиш, велоспорт каби спорт турлари бўйича ҳам ҳали ишга солинмаган имкониятларимиз жуда кўп.

Олдимизда тўрт йил вақт бор. Ўйлайманки, бугун фаолияти танқид қилинган спорт федерациялари раҳбарлари ўзлари учун хулоса қилиб, Лос-Анжелесда бўлиб ўтадиган Олимпиадага муносиб тайёргарлик кўрадилар.

Бунга эришиш учун ҳар бир олимпия спорт турини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратамиз. Шу мақсадда, келгуси тўрт йилда спортчиларни тайёрлаш бўйича катта дастурлар қабул қилинади.

Ҳар бир йўналишда спорт медицинаси, фармакологияси, диетологияси, психологияси ва муҳандислиги бўйича чет элдан малакали мутахассислар жалб этилади. Бу борада “Олимпия шаҳарчаси”да мусобақалар ва ўқув-машғулотларни илғор хорижий тажрибалар асосида ўтказиш бўйича алоҳида тизим яратилади.

Баҳодир Жалолов, Оксана Чусовитина мактаблари каби ихтисослашган спорт муассасалари ҳар бир ҳудудда, ҳар бир спорт йўналиши бўйича ташкил қилинади.

Бундан ташқари, жойларда, айниқса, маҳаллаларда янги-янги иқтидорларни кашф қилиш, уларни манзилли селекция асосида халқаро мусобақаларга тайёрлаш бўйича ҳам алоҳида дастур жорий этилади.

Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистон — Олимпиада ўйинларида нафақат курашчи-паҳлавонлар юрти, балки чавандоз ва югурувчилар, мерган ва қиличбозлар, гимнаст ва сузувчилар, футболчи ва теннисчилар, марафончи ва велоспортчилар мамлакати сифатида ҳам муносиб иштирок этиши керак.

Бунинг учун мамлакатимиздаги зарур спорт инфратузилмасига эга бўлган 15 та Олимпия ва паралимпияга тайёрлаш маркази, 6 та республика олий спорт маҳорати мактаби, 56 та ихтисослаштирилган спорт мактабига ана шу йўналишларда юқори маҳоратли спортчиларни тарбиялаган маҳаллий ва хорижий тренерларни бириктириш лозим.

Бош вазир Абдулла Арипов, спорт вазири Адҳам Икромов спорт федерациялари раҳбарлари билан бирга, бир ой ичида ойлик режаларни қоғозга тушириб, ҳар томонлама асосланган таклифларини киритсин.

Яна бир муҳим масала. Оммавий спортни ривожлантириш миллий олимпия ҳаракатининг ажралмас бир қисми бўлиши керак. Шу боис, бир ой муддатда мамлакатимизда оммавий спортни янада ривожлантириш ҳақида таклифлар ишлаб чиқиш вазифаси топширилади.

Ишончим комил, барча чора-тадбирларни аниқ ҳисоб-китоб ва пухта тайёргарлик билан амалга оширсак, кейинги Олимпиада ўйинларида кўзлаган мақсадимизга албатта етамиз.

Қадрли ватандошлар!

Куни кеча XXXIII ёзги Олимпиада ўйинларининг ғолиб ва совриндорлари, уларнинг мураббийлари ҳамда спорт делегациямиз аъзоларидан бир гуруҳини мукофотлаш ҳақида фармонга имзо чекдим.

Барчангизни Париж Олимпиадасида эришган улкан натижаларингиз ва юксак давлат мукофотлари билан яна бир бор чин қалбимдан табриклайман.

Сизларга сиҳат-саломатлик, оилавий бахт, келгуси фаолиятингизда янада улкан зафарлар тилайман.

Спорт оламида доимо янги-янги ютуқларга эришиб, халқимизни хурсанд қилишдан ҳеч қачон чарчаманг, толманг!

Мана шундай тарихий ютуқларимиз бардавом бўлсин!

Жонажон Ватанимиз янада гуллаб-яшнасин!

Ҳамиша соғ-омон бўлинглар, катта раҳмат сизларга!

# ЖОНАЖОН ВАТАНИМИЗНИ БУТУН ЖАҲОНГА ТАРАННУМ ЭТГАН МАРД ВА МАТОНАТЛИ СПОРТЧИЛАРИМИЗ ШАРАФЛАНДИ

**Бошланиши 1-бетда**

2021 йил августда бўлиб ўтган шундай учрашувда келгуси Олимпиадада кучли ўн бешта давлат қаторига кириш мақсад қилиб қўйилган эди. Бу шараф билан уддаланиб, мамлакатимиз дунёда ўн учинчи ўринни эгаллади.

Британиянинг “Financial Times” нашрида ёзилишича, Олимпия медаллари, мамлакатнинг спорт оламида эришаётган ютуқлари давлатнинг умумий ривожланиш ва инсоний тараққиёт даражасини билдиради.

Ҳақиқатан ҳам Олимпиада ўйинларидаги ҳар бир натижанинг ўрни, моҳияти ва аҳамияти беқиёсдир. Чунки тўрт йилда бир марта ўтадиган бу йирик халқаро мусобақада зўрларнинг зўри қатнашади, у мамлакатнинг спорт соҳасига эътибори, халқнинг жисмоний ва маънавий салоҳиятини намоён этади.

Мусобақада илк олтин медални Диёра Келдиёрова қўлга киритди. Бу ҳам дзюдо бўйича, ҳам аёллар ўртасида юртимизнинг Олимпиададаги биринчи олтин медали бўлиб тарихга кирди.

Яна бир жасур қиз — Светлана Осипова эса таэквондо бўйича биринчи кумуш медални эгаллаб, аёллар спорти тарихида янги саҳифа очди.

Ўзбекистон таэквондо бўйича биринчи марта Олимпия ўйинларида 2 та медални қўлга киритди. Терма жамоамиз ўз тарихидаги энг яхши натижани қайд этиб, умумжамоа ҳисобида учинчи ўринни эгаллади. Улуғбек Рашитов Олимпия ҳаракати солномасида таэквондо бўйича энг ёш тоифада икки карра Олимпия чемпиони бўлди.

Ўзбекистон дзюдо бўйича ўз тарихида Олимпиадада энг кўп медаль олди. Эркин кураш бўйича ўн икки йиллик танаффусдан сўнг яна олтин медаль қўлга киритилди.

Бокс бўйича миллий терма жамоамиз олтин медаллар сони бўйича мамлакатимиз тарихида Олимпия ўйинлари рекордини янгилади ва умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллади. Эркаклар ўртасида еттита олтин медалнинг бештасини бизнинг боксчиларимиз олди.

Умуман, Европанинг қоқ марказида спортчиларимиз шарафига Ўзбекистон мадҳияси 8 карра янграб, мамлакатимиз байроғи 13 марта баланд кўтарилди.

Президент бу юксак натижалар халқимизга катта ғурур бағишлаганини таъкидлаб, спортчиларни олқишлади:

— Шу кунларда бутун халқимиз Мустақиллик байрамининг руҳи ва шукуҳи билан яшамоқда. Сизлар эришган ёрқин ғалабалар энг улуғ ва қадрли байрамимизга муносиб совға бўлди. Сизларнинг қаҳрамонлигингиз ёшларимизга, чекка жойлардаги спортсевар болаларга куч-қудрат берди. Бутун халқимизни ғурурлантирди, янада бирлаштирди. Шараф сизларга, раҳмат сизларга!

Давлат раҳбари спортчиларга, уларнинг устоз ва мураббийларига, спорт делегацияси аъзоларига миннатдорчилик билдирди. Шу кунларда Паралимпия ўйинларида қатнашаётган матонатли спортчиларимизга куч-ғайрат ва омад тилади.

Учрашувда 2028 йили Лос-Анжелесда бўладиган Олимпия ўйинларига тайёргарлик масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.




**Зарур спорт инфратузилмасига эга бўлган 15 та Олимпия ва паралимпияга тайёрлаш маркази, 6 та Республика олий спорт маҳорати мактаби, 56 та ихтисослаштирилган спорт мактабига маҳаллий ва хорижий мураббийлар бириктирилади.**

Сув спорти турлари, енгил атлетика, велоспорт, ўқ отиш ва камондан отиш, гимнастика бўйича федерациялар, шароит ва иқтидорли спортчилар борлиги, лекин натижалар камлиги кўрсатиб ўтилди. Чим устида хоккей, баскетбол, гандбол, регби, сув полоси каби жамоавий спорт турлари етарлича ривожланмаган. Юнон-рум кураши, от спорти, замонавий бешкураш, триатлон, қиличбозлик, эшкак эшиш, велоспорт каби спорт турлари бўйича ҳам ҳали ишга солинмаган имкониятлар кўп.

Мазкур спорт федерациялари тегишли хулоса қилиб, келгуси Олимпиадагача катта тайёргарлик кўриши кераклиги таъкидланди.

Қайд этилганидек, келгуси тўрт йилда спортчиларни тайёрлаш бўйича катта дастурлар қабул қилинади. Ҳар бир йўналишда спорт медицинаси, фармакологияси, диетологияси, психологияси ва муҳандислиги бўйича чет элдан малакали мутахассислар жалб этилади.

Бу борада “Олимпия шаҳарчаси”да мусобақалар ва ўқув-машғулотларни илғор хорижий тажрибалар асосида ўтказиш бўйича алоҳида тизим яратилади. Баҳодир Жалолов, Оксана Чусовитина мактаблари каби ихтисослашган спорт муассасалари ҳар бир ҳудудда, ҳар бир спорт йўналиши бўйича ташкил қилинади.

Бундан ташқари, жойларда, айниқса, маҳаллаларда янги-янги иқтидорларни кашф қилиш, уларни манзилли селекция асосида халқаро мусобақаларга тайёрлаш бўйича ҳам алоҳида дастур жорий этилади.

Зарур спорт инфратузилмасига эга бўлган 15 та Олимпия ва паралимпияга тайёрлаш маркази, 6 та Республика олий спорт маҳорати мактаби, 56 та ихтисослаштирилган спорт мактабига маҳаллий ва хорижий мураббийлар бириктирилади.

Давлатимиз раҳбари оммавий спортни ривожлантириш миллий олимпия ҳаракатининг ажралмас қисми бўлиши кераклигини таъкидлади. Ҳукуматга бу борада таклифлар ишлаб чиқиш вазифаси топширилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йил 23 августдаги фармонига мувофиқ, Париж шаҳрида бўлиб ўтган XXXIII ёзги Олимпия ўйинларида юксак натижаларга эришган спортчи ва мураббийлардан бир гуруҳи фахрий унвон ва орденлар билан тақдирланган эди.

Тадбирда ана шу юксак мукофотлар тантанали равишда топширилди.

Спортчи ва мураббийлар, ота-оналар сўзга чиқиб, юксак ҳурмат ва эътибор учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдирди.

**ЎзА**

# Академик Беҳзод ЙЎЛДОШЕВ



Ўзбекистон илм-фани оғир жудоликка учради. Ўзбекистон Фанлар академияси президенти, физика-математика фанлари доктори, академик, Олий Мажлис Сенати аъзоси, Ўзбекистон Республикаси фан арбоби Беҳзод Йўлдошев 2024 йил 28 август куни 79 ёшида вафот этди.

Б.Йўлдошев 1945 йил 9 майда Тошкент шаҳрида туғилди. Ўрта мактабни тугатганидан сўнг Тошкент давлат университетини физика мутахассислиги бўйича тамомлади. Меҳнат фаолиятини 1968 йилда Фанлар академиясининг Ядро физикаси институти стажёр-тадқиқотчиси сифатида бошлади. 1972 йилда номзодлик, 1982 йилда докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. 2000 йилда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси этиб сайланди.

Юқори энергиялар физикаси соҳасида халқаро миқёсда кенг эътироф этилган олим Ядро физикаси институти директори, Фанлар академияси президенти лавозимларида ўзининг юксак илмий ва ташкилотчилик салоҳиятини намоён этди. Юқори малакали илмий кадрлар тайёрлаш, хорижий илмий марказлар билан ҳамкорликни ривожлантириш, илмий натижаларни иқтисодиёт тармоқларида қўллаш ишларига муносиб ҳисса қўшди.

Кейинги йилларда Фанлар академияси президенти сифатида илм-фан соҳасини модернизация қилиш, академия тузилмасини такомиллаштириш, илмий-тадқиқот муассасаларини ривожлантиришга раҳбарлик қилди.

Ёрқин истеъдод ва чуқур билимга эга бўлган Б.Йўлдошев узоқ йиллик илмий фаолияти давомида ядро физикаси ва элементар заррачалар физикаси бўйича кўплаб кашфиётлар муаллифи сифатида танилди. Олимнинг 400 дан ортиқ илмий ишлари, монографиялари, ядро тадқиқотлари бўйича фундаментал тадқиқотлари нуфузли хорижий нашрларда чоп этилган. Унинг раҳбарлигида ўнлаб фан докторлари ва фан номзодлари тайёрланди.

У Халқаро атом энергияси агентлигида фан бўйича маслаҳатчи, АҚШнинг Вашингтон ва Стенфорд университетлари, Бирлашган ядро тадқиқотлари институти профессори лавозимларида ишлаган. Бир қатор ривожланган мамлакатлардаги илмий лабораторияларда халқаро тадқиқотчилар гуруҳлари томонидан бажарилган йирик экспериментлар ҳамда ядровий хавфсизликни мустаҳкамлаш ва ядро қуролларини тарқатмаслик бўйича амалий ечимлар ишлаб чиқиш юзасидан йирик лойиҳаларга раҳбарлик қилган.

Б.Йўлдошев юртимизда миллий парламентаризмни ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшди. 2000-2004 йилларда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати, кейинги вақтда Олий Мажлис Сенати аъзоси сифатида самарали фаолият олиб бориб, илм-фан соҳасини ривожлантиришга оид қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва қабул қилишда ўзининг жонкуярлиги ва фидойилигини намоён этди.

Академик Б.Йўлдошевнинг мамлакатимиз илм-фанини ривожлантириш борасидаги хизматлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланди. У "Ўзбекистон Республикаси фан арбоби" фахрий унвони, "Фидокорона хизматлари учун" ва "Меҳнат шуҳрати" орденлари, Беруний номидаги давлат мукофоти, "Қорақалпоғистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби" унвони билан мукофотланган эди.

Фидойи олим, меҳрибон устоз, камтарин инсон Беҳзод Йўлдошевнинг хотираси қалбларимизда ҳамиша сақланиб қолади.

**Ш.МИРЗИЁЕВ, Т.НОРБОЕВА, Н.ИСМОИЛОВ, А.АРИПОВ, Ш.АЮПОВ**

## Янгича ёндашувлар

# ТЎРАҚЎРҒОН ТАЖРИБАСИ

## ТЕЖАМКОР ТЕХНОЛОГИЯЛАР ШОЛИЧИЛИКДА ҚАНДАЙ САМАРА БЕРИШИНИ КЎРСАТМОҚДА

**Марказий Осиё минтақасида қишлоқ хўжалигида ҳар йили бир гектар ерни суғориш учун 12,5 минг куб метр сув сарфланади. Бу кўпми ёки кам?**

**Фарҳод ҚЎЗИЕВ,**
*Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг Замонавий суғориш агротехнологияларини жорий қилиш бошқармаси бошлиғи*

Сув ресурслари тобора чекланиб ва тақчиллашиб бораётган ҳозирги шароитда экинларни суғориш учун қанча сув сарфланаётганини таҳлил қилишдан кўра, уни асраб-авайлашга бўлган эътиборни кучайтиришга қаратилган ишларни жадаллаштириш мақсадга мувофиқ. Бинобарин, бугун зарур чоралар кўрилмаса эртага сув етишмовчилиги барчага зарар келтириши мумкин. Эътиборлиси, мамлакатимизда ҳам, минтақада ҳам мазкур йўналишдаги ишларга жиддий эътибор қаратилмоқда. Қишлоқ хўжалиги тармоқларига инновацион лойиҳалар изчил кириб келяпти. Ўзбекистон бу борада муайян тажрибага эга.

Кейинги йилларда Туркия, Хитой, Австралия, АҚШ каби давлатларнинг илғор тажрибалари асосида экинларни томчилатиб, ёмғирлатиб ва дискрет каби усулларда суғориш, шунингдек, ерларни лазерли текислаш технологиялари жорий қилинди. 2016 йилгача сувни тежовчи технологиялар қўлланилган майдон 18,9 минг гектарни ташкил этгани, бугунги кунга келиб эса 1,8 миллион гектарга етказилгани шундай саъй-ҳаракатлар самарасидир. Ушбу йўналишдаги ишлар тизимли тус олиб, изчил давом эттирилаётгани эса янада диққатга сазовор. Давлатимиз раҳбарининг Хитой Халқ Республикасига давлат ташрифи давомида Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ушбу давлатнинг "Xinjiang Tianye group" компанияси билан ҳамкорликда томчилатиб суғориш технологияларини қўллаш ва бунинг учун зарур бутловчи қисмларни ишлаб чиқаришни ташкил этиш юзасидан келишувга эришган эди.

"Xinjiang Tianye group" Хитойнинг қишлоқ хўжалигида замонавий суғориш технологияларини ишлаб чиқариш бўйича етакчи компаниялардан бири ҳисобланади. Шунингдек, унинг Шинжон провинциясида жойлашгани ҳам биз учун қулай. Чунки Шинжоннинг тупроқ-иқлим шароити бизникига ўхшаш. Қолаверса, Шинжонда, умуман, Хитойда шоли кўп етиштирилади. Шоли эса энг кўп сув талаб қиладиган экинлардан бири ҳисобланади. Жорий йилда республикамиз бўйича жами 137,2 минг гектар ерга, шундан 39,6 минг гектарга асосий ва 97,6 минг гектарга такрорий экин сифатида шоли парваришланаётганини инобатга олсак, бу ҳамкорлик соҳа вакиллари учун айни муддао.

Наманган вилояти Тўрақўрғон туманидаги "Комилов Турсунбой" фермер хўжалигида жорий йилда ғалладан бўшаган 72 гектар ерга такрорий экин сифатида шоли экилиб, ушбу майдонга Шинжон тажрибаси асосида тўлиқ томчилатиб суғориш технологияси жорий қилинди.

Экин майдонини суғориш 5 гектардан контурларга бўлинди. Ҳар бир суғориш контурини 1 маротаба суғориш учун ўртача 12 соат вақт ҳамда 3700-4000 метр куб сув сарфланяпти. Бунда бир гектар майдон учун бир маротаба суғориш ўртача 700-800 метр кубни ташкил этмоқда. Яъни анъанавий (бостириб) суғоришга нисбатан 68 фоиз кам сув талаб этиляпти.

Мавсум давомида ушбу шоли майдонлари Хитой томчилатиб суғориш технологияси орқали суғорилганда жами 11 минг — 11,5 минг метр куб, яъни анъанавий (бостириб) суғоришга нисбатан 62 фоиз кам сув сарфланиши ҳисоб-китоб қилинди. Ваҳоланки, 1 гектар шолизорни мавсумда анъанавий усулда бостириб суғорилганда 24-26 минг метр куб сув талаб этилади.

Бундан ташқари, шоли майдонлари бегона ўтга қарши 1 маротаба кимёвий ишлов берилгани ўз натижасини бериб, бегона ўтлар тўлиқ йўқолган. Кимёвий ўғит сарфи ҳам 50 фоизга қисқарган.

Тажриба ва ҳамкорлик ўзини оқламоқда, уни бутун республикамиз бўйича қўллаш қанчадан қанча маблағ ва ишчи кучини тежашга, шоли майдонларини кенгайтиришга хизмат қилади.

# Зураб ПОЛОЛИКАШВИЛИ: "БИЗ ЎЗБЕКИСТОННИ ДУНЁ БИЛАН БОҒЛАЙДИГАН, УНИНГ АБАДИЙ ГЎЗАЛЛИГИ ВА ИЛИҚЛИГИ САҚЛАНИБ ҚОЛИШИНИ ТАЪМИНЛАЙДИГАН КЎПРИКЛАРНИ БИРГАЛИКДА ҚУРА ОЛАМИЗ"

**"БМТ Туризм" ташкилоти (Жаҳон туризм ташкилоти) бош котиби Зураб Пололикашвили "Дунё" ахборот агентлигига интервью берди. Унда Ўзбекистоннинг сайёҳлик салоҳияти, ташкилот билан мамлакатимиз ўртасидаги ҳамкорликни янада жадаллаштириш истиқболлари ҳақидаги фикрларини билдирди.**



**— Суҳбатимиз Ўзбекистон мустақиллигининг 33 йиллиги арафасида бўлиб ўтмоқда. Мустақил тараққиёт йилларида мамлакатимиз катта йўлни босиб ўтди, айниқса, кейинги йилларда барча соҳаларни модернизация қилиш бўйича ҳам, ижтимоий тараққиётда ҳам юксак натижаларга эришилди. Ўзбекистон туризм индустрияси ривожланиш даражасини, юртимиз сайёҳлик салоҳиятини қандай баҳолайсиз?**

— Ана шундай қутлуғ сана арафасида мамлакатда, айниқса, туризмни ривожлантириш борасида эришилган салмоқли муваффақиятларни алоҳида таъкидлаш жоиз. Сўнгги бир неча йил ичида Ўзбекистон ўзининг бой маданий меросини замонавий қулайликлар билан уйғунлаштириб, муҳим сайёҳлик масканига айланди. Инфратузилма, меҳмонхона хизматлари ва маркетинг соҳаларига йўналтирилган йирик инвестициялар мамлакатнинг ўзига хос диққатга сазовор жойлари, хусусан, Ипак йўлидаги Самарқанд ва Бухоро каби тарихий шаҳарлар эътирофини сезиларли даражада оширди. Бу саъй-ҳаракатлар нафақат ташриф буюрувчилар тажрибасини яхшилашга, балки Ўзбекистоннинг ранг-баранг маданий меросини чуқурроқ тушунишга ҳам ҳисса қўшади.

Ўзбекистонга келаётган хорижий сайёҳлар сонининг 2016 йилдаги қарийб 2 миллиондан 2023 йилда 6,6 миллионга кўпайгани 2017 йилдан буён амалга оширилаётган ислоҳотлар муваффақиятидан далолатдир.

Ўзбекистонда ЮНЕСКОнинг Жаҳон маданий мероси рўйхатига кирган кўплаб тарихий объектлар мавжуд, шунингдек, республика улкан, аммо ҳозирча тўлиқ фойдаланилмаган сайёҳлик салоҳиятига эга. Мамлакатнинг Қизилқум чўлидан тортиб, улуғвор Тяньшань тоғларигача бўлган ҳайратланарли манзаралари ўзбек халқининг самимийлиги ва меҳмондўстлиги билан бирга ташриф буюрувчиларга ўзига хос таассурот бахш этади. Сайёҳлар унутилмас таассуротлар ва ажойиб ҳис-туйғулар олишга интилишини ҳисобга олиб, Ўзбекистон бой анъаналари ва бетакрор табиий гўзаллиги билан ўзига хос устунликка эга. Барқарор ривожланиш тамойилларига содиқ қолиш ва маҳаллий халқ вакиллари иштирокини таъминлаш орқали Ўзбекистон янада кўпроқ саёҳатчиларни жалб қилиши ва барча фуқаролар учун манфаатли ривожланаётган туризм секторини тақдим этиши мумкин.

"БМТ Туризм" ва Ўзбекистон ўртасидаги давомий ҳамкорлик барқарор амалий ишлар натижасида мамлакатнинг сайёҳлик салоҳиятини оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Биргаликдаги саъй-ҳаракатларимиз Ўзбекистоннинг туризм имкониятларини очишда асосий йўналиш ҳисобланган жамоат туризми, экотуризм ва меҳмондўстликни ўқитиш дастурларини ривожлантиришга қаратилган. Дунёга эшикларини очган Ўзбекистон сайёҳларни Буюк ипак йўлининг мафтункор шаҳарларидан тортиб жўшқин миллий анъаналар ва мазали таомларигача бўлган ноёб тарихий ва маданий мероси билан яқиндан таништиришга таклиф қилади. Шубҳа йўқки, Ўзбекистон Марказий Осиёнинг асосий сайёҳлик йўналишига айланиш йўлида муҳим босқични босиб ўтмоқда. Бу ҳам маҳаллий аҳоли, ҳам халқаро саёҳатчилар учун унутилмас имкониятларни тақдим этиши шубҳасиз.

**— Ўзбекистон бой тарихий-маданий мероси, замонавий тараққиёти, анъаналари ва муҳити билан хорижликларни яқиндан таништириш мақсадида дунёга сайёҳлик эшикларини очди. Мамлакатимиз билан бу йўналишда ҳамкорлик қандай ривожланмоқда? Ушбу жабҳадаги масалалар, истиқболли қўшма лойиҳалар ҳақида маълумот берсангиз.**

— Ўзбекистон сайёҳларни бой тарихий ва маданий мероси, замонавий ютуқлари ва жўшқин анъаналари билан танишишга чорлаяпти. Ўзбекистон билан ҳамкорлигимиз самарали бўлмоқда ва муштарак мақсадимиз мамлакатни етакчи сайёҳлик йўналишларидан бири сифатида кўрсатишдан иборат.

Яқинда Самарқанд шаҳрида "БМТ Туризм" билан биргаликда ташкил этилган Халқаро туризм академияси очилиши ўзаро муносабатларимизда муҳим воқеа бўлди. 2023 йил октябрь ойида бўлиб ўтган Бош Ассамблеяда экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгаришлари вазири Азиз Абдуҳакимов билан бирга академияга ташриф буюриш шарафига муяссар бўлдим. Ушбу ташаббус туризм соҳасида таълим ва салоҳиятни ривожлантириш, маҳаллий мутахассислар Ўзбекистоннинг ноёб таклифларини бошқариш ва тарғиб қилиш учун зарур кўникмаларга эга бўлишини таъминлашга содиқлигимизни ифодалайди. Ҳозир Самарқанд шаҳрида "Буюк ипак йўлида туризм" офисини ташкил этиш устида иш олиб боряпмиз.

Шу билан бирга, "Туризмда бизнес юритиш: Ўзбекистонга инвестиция киритиш" қўлланмасини тақдим этдик. Ушбу қўлланмада жадаллаштирилган иқтисодий ислоҳотлар туфайли 2017 йилдан буён мамлакатнинг таъсирчан иқтисодий ютуқлари кенг ёритилган. Сўнгги беш йил ичида ўртача йиллик ўсиш 5 фоиздан ошган Ўзбекистон МДҲ ва Марказий Осиё давлатлари орасида барқарор ва кучли иқтисодиёт сифатида намоён бўлди. Қўлланмада трансчегаравий савдо ва хусусий инвестицияларни рағбатлантиришни либераллаштириш, солиқ ва божхона сиёсатидаги асосий ислоҳотлар қайд этилган. Шунингдек, қўлланмада ижтимоий ва иқтисодий жиҳатлар, жумладан, ўсиб бораётган ва маълумотли аҳоли сони, иқтисодиётнинг тармоқлар бўйича тузилиши ва асосий экспорт шерикларининг таҳлили тавсифланади. Ушбу қўлланма потенциал инвесторлар учун муҳим восита бўлиб, Ўзбекистоннинг туризм соҳасидаги улкан имкониятларини намойиш этади ва барқарор инвестиция амалиётини рағбатлантиради.

Ўзбекистоннинг тарихий меросига қизиқиш ортиб бораётганини ҳисобга олиб, "БМТ Туризм" ташкилоти соҳада барқарор амалиётни илгари сурувчи ташаббусларни фаол қўллаб-қувватлайди. Биз Ўзбекистоннинг ноёб маданий бойликларини иқтисодий ўсишга йўналтирилган ҳолда бирлаштирган комплекс стратегияларни ишлаб чиқиш тарафдоримиз. Бутун дунёдан сайёҳларни жалб қилиш учун унинг қадимий ёдгорликлари, бой мероси ва миллий анъаналаридан фойдаланган ҳолда мамлакатни тарихий Ипак йўлининг асосий йўналиши сифатида жойлаштириш бўйича мувофиқлаштирилган саъй-ҳаракатлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистон ва "БМТ Туризм"нинг қўшма кун тартибида минтақанинг маданий яхлитлиги ва экологик барқарорлигини сақлаб қолган ҳолда туризм сифатини ошириш муҳимлиги таъкидланган. Имкониятларни ошириш бўйича ташаббусларга алоҳида эътибор қаратиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бизнинг мақсадимиз маҳаллий туризм бозори иштирокчиларини ресурсларни самарали бошқариш учун зарур воситалар ва билимлар билан таъминлашдан иборат. Биз биргаликда нафақат сайёҳлар эҳтиёжларини қондирадиган, балки маҳаллий аҳоли вакилларини ҳам иқтисодий, ҳам маданий жиҳатдан бойитадиган кучли туризм инфратузилмасини барпо этишга интиламиз.

Юқоридагиларни сарҳисоб қилиб айтишни истардимки, "БМТ Туризм" ва Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорлик мамлакатингизни чинакам тарихий бойликлари ва замонавий ютуқларини қайта тиклайдиган барқарор, маданий бой туризмнинг порлоқ келажагини яратади.

**— Ўзбекистон ва ЮНВТО ўртасидаги ўзаро ҳамкорликнинг муҳим саҳифаси, албатта, Самарқанд шаҳрида ўтказилган ЮНВТО Бош Ассамблеясининг 25-юбилей сессияси бўлди. Ушбу муҳим тадбир сиз раҳбарлик қилаётган ташкилотга нима берди, бугунги кунда унинг фаолиятидаги яна қандай янги лойиҳалар ҳақида гапириш мумкин?**

— Самарқандда бўлиб ўтган "БМТ Туризм" Бош Ассамблеясининг 25-сессияси нафақат Ўзбекистон, балки бутун БМТ тизими учун муҳим воқеа бўлди. Жаҳон миқёсида аҳамияти тобора ортиб бораётган минтақада бундай муҳим тадбирга мезбонлик қилиш Ўзбекистонга бой маданий меросини намойиш этиш ва халқаро дипломатияда кучли иштирок этишда ноёб имконият яратди. Бу мамлакатнинг глобал масалалар, жумладан, иқтисодий тараққиёт, маданий алмашинув ва тинчликни таъминлашнинг муҳим омили бўлган туризм билан шуғулланишга интилишидан далолат беради.

Мазкур анжуман "БМТ Туризм" ташкилоти учун аъзо давлатлар билан ишлашнинг янги усулларини ўрганиш имкониятини берди, айниқса, барқарор туризмга иқтисодий ўсиш катализатори сифатида эътибор қаратилди. Муҳокамалар иқлим ўзгариши ва соғлиқни сақлаш инқирозлари каби замонавий глобал масалалардан келиб чиқадиган муаммоларни ҳисобга олган ҳолда мослашувчан ва барқарор туризм сектори стратегияларига эътибор қаратишга имкон берди. Бундан ташқари, биз Ўзбекистон ва бошқа мамлакатларга "ақлли" туризм ташаббуслари орқали ўз таклифларини яхшилаш ва сайёҳлар сифатини ошириш имконини берувчи туризм соҳасига технологиялар ва рақамлаштиришни жорий этишнинг инновацион усуллари устида ишлаяпмиз.

**— Жаҳон туризмини ривожлантиришнинг замонавий тенденциялари ва уларнинг икки томонлама ҳамкорлигимиз учун очаётган янги имкониятлари ҳақидаги фикрларингиз билан ўртоқлашсангиз.**

— Келажакка назар ташлайдиган бўлсак, глобал туризм ҳам қийинчиликларни, ҳам фавқулодда имкониятларни олиб келадиган трансформациялар даврига кирмоқда. Ривожланаётган тенденциялардан бири барқарор ва масъулиятли саёҳат вариантларига талаб ортиб бораётганидир. Бугунги саёҳатчилар ўзининг атроф-муҳитга таъсирини кўпроқ билади ва табиатни муҳофаза қилиш ҳамда маданий меросни тарғиб қилувчи жойларни фаол равишда қидирмоқда. Бу Ўзбекистоннинг табиий гўзаллиги ва бой меросидан тўғри фойдаланиш ҳамда унинг ўзига хослигини шакллантирадиган маданий қадриятларни тушунишга кўмаклашувчи барқарор туризм моделига айланиш учун ноёб имконият яратади.



> **Ўзбекистонга келаётган хорижий сайёҳлар сонининг 2016 йилдаги қарийб 2 миллиондан 2023 йилда 6,6 миллионга кўпайгани 2017 йилдан буён амалга оширилаётган ислоҳотлар муваффақиятидан далолатдир.**



Бундан ташқари, рақамли технологиялар маркетинг ва жалб қилиш учун янги платформаларни тақдим этиш орқали туризм ландшафтини ўзгартирмоқда. Ушбу қадамлар Ўзбекистонга ўзининг ноёб саёҳат тажрибасига қизиқувчи ёш аудиторияга қаратилган жаҳон миқёсида кўринишини ошириш учун технологиялардан фойдаланиш имкониятини тақдим этади. Бу борадаги халқаро ҳамкорлар билан билим алмашинуви ва технологиялар трансферини осонлаштириши мумкин, пировардида Ўзбекистондаги туризм тажрибасини бойитиб, унинг маданий бойлиги ва замонавий амбицияларини таъкидлайди.

**— Ўзбекистон мустақиллиги куни байрами арафасида тилакларингиз.**

— Ўзбекистон мустақиллиги куни муносабати билан мамлакат халқига энг самимий тилакларимни билдирмоқчиман. Бу кун Ўзбекистон учун тараққиёт, юксалиш ва имкониятлар рамзи бўлиб, нафақат ўтган ўттиз уч йилликдаги ютуқларни нишонлаш, балки фаровон келажакка интилиш онларидир. Ўзбекистон халқига модернизация ва тараққиёт йўлида дадил интилиб, ўзининг бой меросини қадрлашда давом этишини тилайман. Анъана ва инновацияларнинг ўзига хос уйғунлиги, шубҳасиз, янги Ўзбекистонни жаҳон туризм бозорининг муҳим иштирокчисига айлантиради.

Ўзбекистон олға интилиб борар экан, бундан кейин ҳам жаҳон ҳамжамияти билан муносабатларда ҳамжиҳатлик ва ҳамкорлик руҳи ҳукм суришига ишонч билдираман.

Мустақиллик байрами ҳар бир фуқарони мамлакатда гуллаб-яшнаётган туризм соҳасини ривожлантиришга ҳисса қўшишга руҳлантирсин. Биз биргаликда Ўзбекистонни дунё билан боғлайдиган, унинг абадий гўзаллиги ва илиқлиги сақланиб қолишини таъминлайдиган кўприклар бунёд этамиз ва сайёрамизнинг барча нуқталаридан сайёҳларни жалб этишда давом этамиз.

**"Дунё" АА**

*Мадрид*

**Жамоамиз 2024 йилда ҳам маррани баланд олган. Жумладан, жорий йилда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 86,7 триллион сўмга, бюджетга тўловларни 45,4 триллион сўмга, соф фойдани 19,9 триллион сўмга етказишни мўлжаллаганмиз. Бунинг учун имкониятларимиз етарли. Насиб бўлса, йилни мана шундай иқтисодий кўрсаткичлар билан якунлаб, белгиланган режалар бажарилиши таъминланади.**

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

yuz_official yuz.uz_news yuz

Сарҳисоб

**Шу кунларда юртимиздаги “Бир бўлсак — ягона халқмиз, бирлашсак — Ватанмиз”, деган бош ғояни мужассам этган байрам шукуҳи кўп миллатли халқимизга чексиз ғурур, қувонч улашмоқда. Жамоаларни янги марралар сари руҳлантирмоқда. Хусусан, Навоий кон-металлургия комбинатининг кўп сонли матонатли жамоаси олдига қўйилган вазифаларни ортиғи билан бажариб, улуғ айёмни улкан натижалар ила қарши олмоқда.**




# ТАРАҚҚИЁТНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

## Навоий кон-металлургия комбинатида рўёбга чиқарилаётган лойиҳаларда яққол намоён бўлмоқда



**Қувондиқ САНАҚУЛОВ,**
*“Навоий кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамияти бошқаруви раиси – бош директори*

Мустақиллик — улуғ неъмат. Унинг қадр-қимматини, аҳамиятини барчамиз яхши биламиз. Аждодларимизнинг асрлар оша азалий орзуси бўлган истиқлол бугун давлатчилик ва тинчлигимиз тимсоли, ҳуқуқларимиз кафолати, фаровонлик ҳамда келажагимиз рамзи сифатида халқимизга бахтли ҳаёт, шукроналик улашиб келмоқда. Айниқса, кейинги саккиз йил Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳбарлигидаги янги Ўзбекистон учун улкан тараққиёт даври бўлди. Халқимиз ҳаётини яхшилаш, иқтисодиётни ривожлантириш, қўшни ва ривожланган давлатлар билан дўстона алоқаларни мустаҳкамлаш, юртимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини ошириш каби кўплаб йўналишларда катта ижобий натижаларга эришилди. Ўз навбатида, бу марралар бизни дунёга танитди. Жаҳонда давом этаётган иқтисодий инқироз даврида бундай юксак тараққиётга юзланиш мамлакатимизда олиб борилаётган оқилона сиёсат, кенг кўламли ислоҳотлар, имкониятлар шарофати, албатта.

Сўнгги йилларда эришилган бундай улкан натижаларни Навоий кон-металлургия комбинатида амалга оширилган ишлар, қўлга киритилган ютуқлар мисолида ҳам яққол кўришимиз мумкин. Чунки кон-металлургия саноати дунё мамлакатлари, шу жумладан, юртимиз иқтисодиётида катта аҳамиятга эга асосий драйвер соҳа ҳисобланади. Шу боис, жаҳонда бутун эътибор мазкур соҳани ривожлантиришга қаратилиб, ишлаб чиқарувчилар ўртасида кескин рақобат кетмоқда. Ўзбекистон кон-металлургия саноати ҳам улар сафида бўлишга интилаётгани эса эътирофга лойиқ.

### Қизилқум кенгликларидаги катта бойлик

Ўзбекистонда Менделеев даврий жадвалидаги барча элементлар мавжуд, фойдали қазилмаларнинг улкан захирасига эга жаннатмонанд юрт ҳисобланади. Олтин, кумуш, мис, уран, қўрғошин, молибден, вольфрам, темир, кўмир, нефть, табиий газ, нодир ва ноёб металлар, калий тузлар, фосфоритлар ва бошқа стратегик қазилмалар шулар жумласидан.

Улар орасида қимматбаҳо металлар алоҳида аҳамиятга эга. Республикамизда 60 дан ортиқ олтин маъданли конлар ўрганилган бўлиб, шундан 40 га яқини Қизилқум кенгликларида жойлашган. Бу олтин маъданли конлар Навоий кон-металлургия комбинатининг асосий хомашё базаси бўлган объектлар ҳисобланади.

Бугунги кунда Ўзбекистон бренди остида ишлаб чиқарилаётган “999,9” тамғали олтин жаҳон бозорида ўзининг сифати, рақобатбардошлилиги ҳамда таннархи нисбатан арзонлиги билан бошқалардан ажралиб туради. Комбинатнинг дунёдаги бошқа олтин қазиб олувчи компаниялардан фарқи шуки, бу йирик корхона геология-қидирув, маъданни қазиб олиш ва қайта ишлашдан тортиб, жаҳон бозори талабларига жавоб бера оладиган тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқаришгача бўлган ноёб тизимга эга саноат кластеридир.

Комбинатда асосий эътибор минерал хомашё ресурслари захирасини яратиш, юқори ликвидли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва уларнинг янги турларини жадал ривожлантириш орқали Ўзбекистон иқтисодий тараққиётига ҳисса қўшишга қаратилган. Жумладан, жозибадор лойиҳалар асосида янги қувватларни яратиш, саноатни модернизация қилиш, давлатнинг иқтисодиётдаги иштирокини қисқартириш бўйича институционал ва таркибий ислоҳотларни янада жадаллаштириш орқали иқтисодиётимизга хорижий инвестицияларни фаол жалб этиш бўйича самарали чора-тадбирларни амалга оширишга киришилди. Бунда 2017 йилдан эътиборан Ўзбекистонда рақобатбардош ва инклюзив бозор иқтисодиётини яратиш бўйича муҳим ислоҳотлар бошлангани қўл келди. Макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсишга эришиш, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича устувор йўналиш ҳамда муҳим вазифалар белгилаб берилгани соҳа учун янги истиқболларни очди.

### Кўзланган мақсадга икки йил аввал эришилмоқда

Тажрибадан маълумки, ҳар бир соҳа тараққиёти ва келажагини белгилашда узоқ йилга мўлжалланган стратегия, дастурлар муҳим ўрин тутади. Бу амалиёт барча соҳалар қатори мамлакатимиз кончилик ва металлургия соҳасига ҳам кенг татбиқ этилди. Шу жиҳатдан давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 1 мартдаги қарори билан тасдиқланган 2017–2026 йилларда қимматбаҳо металлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш дастури корхона тараққиётида янги босқични бошлаб берди, десак айни ҳақиқат. Ушбу дастур асосида кейинги йилларда амалга оширилган инвестицион лойиҳалар комбинатнинг барқарор ривожланишини таъминлашга кенг имконият ва истиқболлар яратди. Натижада Навоий кон-металлургия комбинати олтин ишлаб чиқарувчи компаниялар билан бемалол рақобатлаша оладиган замонавий корхонага айланди.

2017-2023 йиллар мобайнида умумий қиймати 2,9 миллиард долларлик 23 та йирик инвестиция лойиҳаси ишга туширилди. Бунинг эвазига комбинатда 2016 йилга нисбатан маъдан қазиб олиш ҳажми 2,5 баробар, маъданни қайта ишлаш 1,6 баробар, олтин ишлаб чиқариш 26 фоизга, кумуш эса 47 фоизга ошди. Олтин ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга қаратилган аниқ чора-тадбирлар, янги ишлаб чиқариш қувватлари фойдаланишга топширилиши туфайли комбинат олтин ишлаб чиқариш бўйича жаҳоннинг ТОП-10 та компаниялари сафида 2016 йилдаги 7-ўриндан 2022 йилда 4-ўринга кўтарилди. Шу йилларда 15 минг 243 та янги иш ўрни яратилди. Бу комбинат тарихида кейинги йилларда эришилган энг катта ютуқдир.

Инвестиция лойиҳаларини жадаллаштириш ҳисобига 2017-2026 йилларга мўлжалланган дастур ижросини муддатидан икки йил олдин — 2024 йилда якунлаш режалаштирилмоқда. Бунда корхонада меҳнат қилаётган қарийб 50 мингга яқин муҳандис-технолог, ишчи-ходимларнинг ҳиссаси бор, албатта. Мисол учун, комбинатда 2016 йилгача тўртта гидрометаллургия заводи барпо этилган бўлса, кейинги йилларда тўртта замонавий корхона — 5-, 6-, 7-гидрометаллургия заводлари, 2-гидрометаллургия заводининг иккинчи навбати фойдаланишга топширилди.

7-гидрометаллургия заводи замонавий технологиялар асосида техноген (аввал ишланган) чиқиндиларни қайта ишлаш бўйича дунёдаги энг йирик корхоналардан бири ҳисобланади. Техноген чиқиндиларни қайта ишлашнинг муҳим жиҳатларидан бири маъданни қазиб олиш, технологик майдалаш, саралаш ва ташиш харажатларининг йўқлигидир. Бундай чоралар заводда ишлаб чиқариладиган маҳсулот таннархини сезиларли даражада пасайтиришга олиб келди.

Бу каби натижалар олтин қуймалар сифати бўйича Навоий кон-металлургия комбинати кўп йиллардан буён Лондон қимматбаҳо металлар ассоциацияси (LBMA) томонидан “Оптимал етказиб бериш” (Good Delivery) мақомини ўзида сақлаб, Токио саноат товарлари биржаси сертификатига эга бўлиб келаётганида ҳам яққол кўзга ташланади.

Комбинат нафақат Ўзбекистон, балки бутун дунёга сифатли олтин қуймалари билан танилган кўп тармоқли саноат корхонаси ҳисобланади. Айни пайтда бу ерда қимматбаҳо металлар билан бирга, маҳаллийлаштирилган ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар, жумладан, дастгоҳлар, қурилиш материаллари, гидрометаллургия заводлари, кон-шахталар, техникалар учун зарур бўлган ускуна, жиҳоз, металл қурилмалар, эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқариш тизимли йўлга қўйилган. Айтайлик, Навоий машинасозлик заводида ишлаб чиқарилаётган 15 минг турдан ортиқ маҳаллийлаштирилган ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотларнинг 97 фоизи комбинат эҳтиёжига йўналтирилмоқда. Бундай ноёб маҳсулотлар ва эҳтиёт қисмлар корхонанинг ўзида ишлаб чиқарилаётгани бир маромда ишлаш ҳамда маблағларни тежашга замин яратмоқда.



### Аниқ натижалар, замонавий технологиялар

Ўзбекистон иқтисодиётида комбинат салмоқли улушга эга. Жумладан, мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги улуши 6,3 фоизни, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги улуши 13,5 фоизни, давлат бюджетидаги тушумлар бўйича улуши 16,7 фоизни ташкил этади. Биргина 2023 йилда давлат бюджетига 38,6 триллион сўмлик тўловлар амалга оширилган. Корхонанинг иқтисодий салоҳияти ҳам йилдан йилга ўсиб бормоқда. 2023 йил якунига кўра, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 67,5 триллион сўм ёки 5,7 миллиард долларни, соф фойдаси эса 14,9 триллион сўм ёки 1,3 миллиард долларни, рентабеллик даражаси 45 фоизни ташкил этди. Шу билан бирга, асосий фаолиятнинг самарадорлигини ифодаловчи EBITDA кўрсаткичи бўйича рентабеллик 61 фоизни ташкил этиб, етакчи жаҳон амалиёти даражасига тўла мос келди.

Жамоамиз 2024 йилда ҳам маррани баланд олган. Жумладан, жорий йилда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 86,7 триллион сўмга, бюджетга тўловларни 45,4 триллион сўмга, соф фойдани 19,9 триллион сўмга етказишни мўлжаллаганмиз. Бунинг учун имкониятларимиз етарли. Насиб бўлса, йилни мана шундай иқтисодий кўрсаткичлар билан якунлаб, белгиланган режалар бажарилиши таъминланади.

Ҳозирги шиддаткор замонда ҳар бир соҳада инновацион технологияларга асосланган янгиликлар яратиш ҳаётий заруратга айланмоқда. Соҳа экспертлари фикрича, инсоният келажакда фойдали қазилмаларнинг кўплаб турлари, жумладан, стратегик захираларни тўлдириш муаммосига дуч келиши мумкин. Бу нафақат қайта тикланмайдиган фойдали қазилмаларнинг камайиб кетиши, балки етишиш қийин бўлган ва унумдорлиги паст конлар, хусусан, уларнинг ноанъанавий турларини кўпроқ ўзлаштириш, техноген чиқиндиларни қайта ишлаш зарурати билан боғлиқ. Бу эса, ўз-ўзидан, ушбу масалага инновацион ҳамда замонавий ёндашув, илм ва илмий тадқиқотларга зўр беришни талаб этади.

Комбинат олим ҳамда мутахассисларининг ўн йиллик изланишлари самараси бўлган “Технологик ва ишланиши мураккаб бўлган олтин таркибли маъданларни қайта ишлаш ҳамда ўзлаштиришнинг комплекс технологияларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш” йўналишида ноёб ишланма яратилиши айни муддао бўлди. Чунки ишланма 3-сонли гидрометаллургия заводида жорий этилиб, у асосда фильтрлаш, қуритиш ва куйдириш цехи ишга туширилди, қўшимча олтин ишлаб чиқариш имкони яратилди. Қувонарлиси, ишланма БМТ Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилотининг олтин медалига лойиқ топилди. Бу каби юксак марралар, улкан бунёдкорлик ишлари фақат илм, жамоа бирдамлиги ва кучи билан қўлга киритилганини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз.

### Мурунтов мўъжизаси ва малакали кадрлар

Корхона тарихи, фаолияти, ютуқлари ҳақида гап кетганда, дунёга машҳур “Мурунтов” конига тўхталмасликнинг иложи йўқ. “Аср мўъжизаси” дея тан олинган бу коннинг узунлиги бугун 5,5 километр, кенглиги 3,4 километр ва чуқурлиги 650 метрга етиб, маъдан қазиб олиш бўйича халқаро рейтингда етакчи ўринларни эгаллаб келяпти.

Комбинатда тоғ-кон саноати ва геология, транспорт, механика, энергетика ва бошқа муҳим йўналишларда АҚШнинг “Caterpillir”, Япониянинг “Komatsu”, “Hitachi Construction Machinery Co. Ltd”, Швециянинг “Boomer”, Россиянинг “Ижора МЗ” компанияси, Германиянинг “Libherr” компаниялари билан йўлга қўйилган ҳамкорлик яхши самара бермоқда.

Комбинатнинг яна бир ютуқларидан бири — кадрларни тайёрлаш борасида ўзига хос мактаб яратилгани бўлди. Кейинги йилларда Навоий давлат кончилик ва технологиялар университети, Тошкент давлат техника университети, Геология фанлари университети ва бошқа нуфузли олийгоҳлар, техникумлар билан йўлга қўйилган самарали ҳамкорлик ёш кадрлар етиштиришда катта имконият яратди. Бунинг ҳисобига ҳар йили ушбу муассасалардан юзлаб ёш мутахассислар комбинатга кириб келмоқда. Уларга бошқарув ишониб топширилмоқда. Айни пайтда комбинатда қарийб барча гидрометаллургия заводлари, кон-шахталар ва бошқа муҳим йўналишларни, замонавий техника ва технологияларни 30-40 ёшли кадрлар бошқармоқда.

### Трансформация — давр талаби

Бугун янги Ўзбекистонни ривожлантиришнинг муҳим вазифаларидан бири — саноатнинг етакчи тармоқлари ва иқтисодиётни янада либераллаштириш, трансформация жараёнларини якунлашдан иборат. Зеро, трансформациялаш — қулай инвестиция муҳитини яратиш, корпоратив бошқарувнинг замонавий усулларини жорий этиш, харажатларни камайтириш ҳисобига даромадларни ошириш, давлатнинг иқтисодиётдаги иштирокини камайтиришни назарда тутади. Шу боис, кон-металлургия саноати ушбу ислоҳотларнинг асосий иштирокчиларидан бирига айланди. Навоий кон-металлургия комбинатида бу жараён биринчилардан бўлиб татбиқ этилди. Хусусан, хорижий инвесторлар ва халқаро молия бозори иштирокчилари учун комбинат фаолиятининг шаффофлигини таъминлаш мақсадида Халқаро молиявий ҳисобот стандартларига мувофиқ, комбинатнинг 2021-2023 йиллардаги молиявий ҳисоботи “Deloitte and Touch” халқаро аудиторлик компанияси томонидан аудитдан ўтказилиб, ижобий хулосалар олинди.

Ресурс базасини ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги билан биргаликда умумий захираларнинг 90 фоизини ташкил этувчи 30 та фойдали қазилма конлари JORC кодекси стандартлари талабларига мувофиқ қайта баҳоланди. Комбинатнинг 6 нафар мутахассиси мазкур кодекс стандарти бўйича ҳисоботларни тайёрлашга Австралия кончилик ва металлургия институти (AusIMM) аъзолигига қабул қилинди.

Иқтисодиётнинг базавий тармоқларига хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш мақсадида 2020 йилдан бошлаб хорижий банкларнинг кредитлари ҳисобидан комбинат Инвестиция дастурини молиялаштириш тизими жорий этилди. 2020-2023 йиллар давомида комбинат томонидан давлат кафолатисиз 2,5 миллиард доллар миқдорида тўғридан тўғри хорижий кредитлар жалб қилинди.

2022 йилда “JP Morgan & Chase”, “Citi”, “Societe Generale”, “Credit Suisse”, “ICBC Standard”, “Halyk Bank” каби етакчи халқаро банкларнинг 5 йил муддатга 1,2 миллиард АҚШ доллари миқдорида узоқ муддатли синдикатланган кредитлари жалб қилинди. Маблағлар умумий корпоратив мақсадлар ва инвестиция дастурини молиялаштиришга йўналтирилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, яқинда “Навоий кон-металлургия комбинати” АЖ “Fitch Ratings” халқаро рейтинг агентлиги томонидан илк маротаба “Барқарор” прогнози билан “BB-” даражасидаги узоқ муддатли кредит рейтингини олди. Ушбу баҳо бизнинг стратегик режаларимиз ва операцион самарадорлигимизни мустаҳкамлайди. Келажакда ўсиш учун мустаҳкам пойдевор яратади. Рейтинг нафақат капитал бозорларидаги мавқеимизни оширади, балки барқарор ва масъулиятли қазиб олишга содиқлигимизни ҳам тасдиқлайди. Ҳамкорлик ва янги молиявий воситалар, шу жумладан, қимматли қоғозларни чиқариш имкониятини беради.

Бундан аввалроқ комбинатимизнинг мавқеи “S&P Global Ratings” халқаро агентлиги рейтингида ҳам тасдиқланган эди. Мазкур агентлик таҳлилчиларининг фикрига кўра, “Навоий кон-металлургия комбинати” АЖ соҳа корхоналарига нисбатан ишлаб чиқариш таннархининг арзонлиги, энг йирик бўлган “Мурунтов” конидан узоқ вақт давомида фойдаланиш мумкинлиги, фойданинг юқори маржаси ва паст қарз юкини сақлаб туриши билан ажралиб туради. Комбинатимиз 2024 йил якунлари бўйича ишлаб чиқариш қувватини 2017 йилга нисбатан 30 фоизга ошириш имконини берувчи Инвестиция дастурини белгиланган муддатидан икки йил олдин якунламоқда.

Бир вақтда иккита нуфузли халқаро агентлик мустақил равишда кредит рейтингини барқарор прогноз билан “BB-” даражасида тасдиқлагани биз учун муҳим аҳамият касб этади. Бу молиявий барқарорликдан далолат бериб, халқаро капитал бозорига чиқиши орқали мавжуд молиявий воситаларни диверсификация қилиш имкониятини яратади. Бир сўз билан айтганда, бу рейтинг комбинатнинг жаҳондаги етакчи олтин қазиб олувчи компаниялардан бири сифатида мустаҳкам мавқеини акс эттиради.

Ҳозирги кунда эса хорижий инвесторлар ва халқаро молия бозори иштирокчилари учун комбинат фаолиятининг шаффофлигини таъминлаш мақсадида корпоратив еврооблигациялар чиқариш ва акцияларни “IPO” асосида жойлаштириш орқали қўшимча молиявий ресурсларни жалб этиш чоралари кўриляпти.

Комбинатда корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш йўналишида консалтинг компанияси билан биргаликда кадрлар сиёсатини янада такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари ишлаб чиқилди. Фаолият самарадорлигининг асосий кўрсаткичлари тизими (KPI) ҳамда меҳнатга ҳақ тўлаш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг янги механизми жорий этилди.

Бу ишлар, албатта, тараққиёт сари юзланган Навоий кон-металлургия комбинати учун тўғридан тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш, халқаро фонд бозорида фаол иштирок этиш ҳисобига ишлаб чиқаришни кенгайтиришга қаратилган инвестиция лойиҳаларни амалга оширишни жадаллаштириш, янги иш ўринлари яратиш ва даромадлар кўпайтиришга хизмат қилади.

### Инвестиция лойиҳаларининг аҳамияти

Яна шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, корхонамиз фаолиятида инвестицион лойиҳалар муҳим ўрин эгаллайди. Жумладан, 2024 йилда Инвестиция дастури доирасида умумий қиймати 1 миллиард АҚШ доллари бўлган 11 та лойиҳа амалга оширилиши режалаштирилган. Шу йилнинг биринчи ярим йиллигида ушбу йўналишда 363,5 миллион долларлик маблағлар ўзлаштирилди. Айни пайтда эса барча лойиҳалар бўйича ишлар давом этмоқда.

3-гидрометаллургия заводида 7-тегирмон блокини ишга туширдик. Яъни “Кокпатас ва Довгистов олтин конларида маъдан қазиб олиш (III навбати)” инвестиция лойиҳаси ишлаб чиқариш ҳажмини оширишда катта аҳамиятга эга бўлиб, унинг умумий қиймати 319,8 миллион долларни ташкил этади. Айни пайтда ушбу лойиҳани амалга оширишга қаратилган кенг кўламли ишлар юқори суръатларда давом этмоқда. Жумладан, энг улуғ, энг азиз байрамга муносиб совға сифатида яқинда 3-гидрометаллургия заводида барпо этилган, йилига 1 миллион тонна олтин таркибли маъданни қайта ишлаш қувватига эга янги тегирмон блоки ишга туширилди. Бунинг ҳисобига заводда тегирмон блоклари сони 7 тага етди. Маълумот учун айтиш мумкинки, ҳозирги кунда заводнинг маъданни йиллик қайта ишлаш қуввати 8 миллион тоннадан ортиқ бўлиб, янги тегирмон блокини ишга тушириш ҳисобига бу кўрсаткич 9 миллион тоннадан ошади.

Келгусида флотация, биооксидлаш, фильтрлаш, қуритиш ва куйдириш цехларини кенгайтириш ҳам кўзда тутилган. Таъкидлаш жоизки, мазкур тегирмон блоки учун зарур асбоб-ускуна ва эҳтиёт қисмлар маҳаллийлаштирилиб, комбинатнинг Навоий машинасозлик заводи ва Шимолий кон бошқармаси бўлинмаларида тайёрланди. Қурилиш ишлари Зарафшон қурилиш бошқармаси томонидан амалга оширилди.

Бугунги кунда “Мурунтов” конида Шимолий-шарқий даврий оқим технологияси мажмуаси ҳамда 2-конвейер линиясини кенгайтириш бўйича қурилиш ишлари олиб борилмоқда. Шимолий-шарқий даврий оқим технологияси мажмуасида маъдан ташиш линиясини кенгайтиришнинг умумий лойиҳа қиймати 104,4 миллиард сўмни ташкил этади. Ҳозир бу бўйича янги конвейер, электр линияларини қуриш, ағдарма конвейер линиясини 1,1 минг метрга узайтириш ва бошқа йўналишларда ишлар давом этмоқда. Бу лойиҳа келгусида тоғ жинсларини ташиш ҳажмини йилига 15 миллион метр кубга оширади. Худди шундай 2-конвейер линиясини кенгайтиришнинг умумий лойиҳа қиймати 194,4 миллиард сўмдан иборат. Шу пайтгача фойдаланишда бўлган 1877,4 метрлик линияга қўшимча тарзда минг метрдан зиёд янги линияни қуриш кўзда тутилган. Лойиҳа тўлиқ қувватда ишга туширилганда йилига 12 миллион метр куб тоғ жинсларини ташиш имконияти яратилади.

Тоғ жинсларини линиялар (лента орқали ташиш механизми) орқали ташиш энг қулай, самарали ва тежамкор эканлиги амалда исботланган. Бу усул, ҳеч шубҳасиз, иш самарадорлигини ошириш билан бирга, ишчи кучи, вақт, транспорт харажатларини, ёқилғи-мойлаш материалларини тежайди.

Эътиборли жиҳати, конвейер линиялари комбинатнинг Навоий машинасозлик заводида тўлиқ маҳаллийлаштирилган ҳолда тайёрланмоқда. Комбинат мутахассислари ақл-заковати ва изланишлари орқали мана шундай иқтисодий самарадорлик келтирувчи қўшимча имкониятлар излаб топмоқда.

Шу ўринда яна бир муҳим бунёдкорлик намунаси — умумий қиймати 235,6 миллион АҚШ долларилик “Зармитан” конининг қуйи горизонтларини ўзлаштириш лойиҳасига тўхталиб ўтсак. Гап шундаки, Ўзбекистон кончилик тарихида илк маротаба Чехиянинг “Mine Construction Alliance s.r.o.” компанияси билан ҳамкорликда Қўшработ туманидаги “Зармитан” саноат майдонининг “Скипли” ва “Бош” шахталарида тик конлар қуриляпти. Ҳозир ушбу шахталар чуқурлиги минг метрга етди. Яъни биз Марказий Осиёда биринчи марта шунга эришдик. Мутахассислар ҳисоб-китобига кўра, жорий йилнинг охирига қадар лойиҳада кўзда тутилган ишлар тўлиқ якунланиб, иккала объект ҳам фойдаланишга топширилади. Лойиҳа доирасида “Скипли” шахтасининг йиллик унумдорлиги 1,4 миллион тонна олтин таркибли маъданни ер остидан ер юзасигача олиб чиқишга мўлжалланган ва у 4-гидрометаллургия заводига қайта ишлаш учун етказиб берилади. “Бош” шахтасининг асосий вазифаси ишчи-ходимлар ва жиҳозларни шахтага тушириб-чиқариш, шахтадан ер ости сувларини ер юзасига ҳайдаш, шахтани тоза ҳаво оқими билан таъминлаш ҳамда шахтадан тоғ жинсларини чиқариш ҳисобланади.

Комбинат фаолиятида бу каби лойиҳаларни амалга ошириш конларни ўзлаштириш, қимматбаҳо металлар қазиб олиш ва қайта ишлаш ҳажмини ошириш ҳамда янги иш ўринларини яратишга хизмат қилади.

Албатта, натижалар кўзланган марралар эмас. “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида мис ишлаб чиқаришни 3,5 баробар, олтинни 1,5 баробар, кумушни 3 баробар, уранни 3 баробар ошириш белгиланган. Шундан келиб чиқиб, Навоий кон-металлургия комбинатида 2024-2030 йиллар учун стратегик ривожлантириш дастури тасдиқланган.

Дунёда кескин рақобат кечаётган ҳозирги даврда пешқадамлар сафида бўлиш, ишлаб чиқариш суръатини ошириш қийин ва энг мураккаб жараён. Бир жойда тўхтаб қолган, келажак йўлини танлай олмаган ҳар қандай корхона ютқазади. Биз энг илғор техника ва технологияларни жорий этиб, жаҳон бозорига рақобатбардош, сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришда бор куч, шижоат ва билимимизни сафарбар этишда давом этаверамиз.



Шу нарса аёнки, ҳаммамизни ватан бирлаштиради. Қўшиқларим ҳам меники эмас. Юракларники! Халқимизники. Мусиқа тили билан ифода қилсам, биз гўё ноталармиз, аккордлармиз, турли ерларда, турли касбларда, дунёнинг турли давлатларида. Жамлансак, бир гўзал мусиқий асар ҳосил қиламиз. Мен куйлаган қўшиқлар ўша диллардан олинган! У меники эмас!

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz
2024 йил 29 август, 174-сон

Мустақиллигимизнинг 33 ЙИЛЛИГИГА ИНТЕРВЬЮ



# МЕН НЕЧУН СЕВАМАН ЎЗБЕКИСТОННИ?

## ОРТГА ҚАЙТМАЙДИГАН ШИДДАТЛИ КУЧ БЎЛИБ КУЙЛАЙМАН!

**Мен бахтлиман. Нега энди бахтли бўлмай ахир?! Атрофимни қуршаган оламлар, одамлар, мен униб-ўсган муҳит, ҳақиқий жайдари, соддадил муҳит…**



Қисматимда кўп саёҳатларда юриш ҳам бор экан. Шундай паллаларда доим бир нарсага интиламан. Юртимдан олисга отлансам, Ўзбекистоннинг бир бўлагини ўзим билан олишга ҳаракат қиламан. Қаерда бўлмай, унинг меҳрини, бебаҳо иликлигини ҳис қилай, у менга куч берсин, дейман. Ватаннинг бир бўлагидан қувват оламан!

Бугун билсам, ватанимнинг бир қисми ўзим эканман. Қудрати Олийнинг инъом қилган илҳоми, шу қорақош-қоракўз халқимиз учун куйлаш қисматимнинг энг ажиб неъмати экан. Одамларни ватан муҳаббати йўлида якдил қилиш қисмати. Оҳангларда, ноталарда!

Мени маъзур тутгайсиз, ижодкор одамман. Бирор ОАВ форматига, журналист услубига мослашиб интервью бериш мен учун ёлғон сўзлаш бўлиб қолади.

Шу нарса аёнки, ҳаммамизни ватан бирлаштиради. Қўшиқларим ҳам меники эмас. Юракларники! Халқимизники. Мусиқа тили билан ифода қилсам, биз гўё ноталармиз, аккордлармиз, турли ерларда, турли касбларда, дунёнинг турли давлатларида. Жамлансак, бир гўзал мусиқий асар ҳосил қиламиз. Мен куйлаган қўшиқлар ўша диллардан олинган! У меники эмас!

Ўша аккорд ва ноталар ҳаммамизнинг қалбимизда бор. Доим уни, ватан қўшиғини яхлит қилишга уринаман. У меҳр ва уйғоқ туйғулар оҳанги! Айтинг, ахир бу энг яхши нола бўлмай нима яна?! Президентимизнинг бир жумласи бор-ку: “Ортга қайтмайдиган шиддатли куч бўлиб”... Бу қўшиқни ўша энергия билан куйлайман!

**Севара НАЗАРХОН,**
*Ўзбекистон халқ артисти*

## ҲЕЧ ҚАЕРДА ТОПИЛМАЙДИГАН ИССИҚ ТАФТ

**Болаликдан ривожланган давлатлар ҳаёти, тараққиётига ҳавас қилиб улғайдик. Нега уларда ундай, нега бизда бундай, деган саволлар кўпчилигимизда бўлгани табиий. Бугун ўша ривожланган давлатлардан кам эмасмиз. Қайси соҳа бўлмасин, хоҳ илм-фан, хоҳ иқтисодиёт, хоҳ рақамли технологиялар — барида илғор давлатлар сафига кириб боряпмиз. Имкониятлардан, айниқса, биз, ёшлар кенг фойдаланишга интилаётганимиз кўзга ташланади.**

Ҳозир ҳар соҳада билимли йигит-қизларимиз талайгина. Улар бир неча тилларни ўрганяпти, чет элларда таҳсил олиб, дунёнинг нуфузли компанияларида ишлаяпти. Ўзим ҳам халқаро иқтисодчи сифатида кўплаб хориж олийгоҳларида масофавий таълим олдим. АҚШ, Индонезия, Аргентина, Покистон, Миср, Ҳиндистондаги йирик халқаро ташкилотлар аъзоси бўлдим. 2022 йил охирларида АҚШнинг “Амазон” платформаси томонидан чоп этилган “Дунёнинг энг илғор аёллари” китобида илмий фаолиятим, изланишларим ҳақида мақола эълон қилинди. Шу йили Буюк Британия Қироллигининг “Шон-шуҳрат” медали билан тақдирландим. 5 та йўналиш бўйича Британия элчиси мақомига эга бўлдим.

Умуман, қаерда исмим тилга олинмасин, ўзбек қизи, деган таъриф қалбимда ўзгача ғурур уйғотади. Бу қиёсни ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайди. У худди фарзандни ота-онадан айириб бўлмаганидай жуда нозик ва қадрли туйғу. Айниқса, хориж сафарларида буни яққол ҳис қилдим. Чет элликлар орасидан ўз давлатинг меҳри, тафтини излайсан, аммо ҳеч қаерда уни ўз юртингдаги каби ҳис этолмайсан. Чиндан одамларимиз бошқача, қадриятларимиз мустаҳкам, бой тарихга эга буюк халқмиз.



Юртимга муҳаббат мени доим ватанда қолишга ундайди. Қолаверса, бу туйғу раҳматли отамдан мерос. Унга Германия ҳукуматидан ўша ерда яшаб қолиш таклифи тушган. Аммо отам рад этиб, ўз юртига келиб, оила қургани ҳақида кўп гапириб берарди. Шунинг ўзиёқ мен учун энг зўр ватанпарварлик. Мен юртимни отам яхши кўргани ва яна ўзбекистонлик бўлганим учун у қандай бўлса, шундайлигича яхши кўраман! Шу боис, Япония ва Германиядаги нуфузли университетларда ўқиш таклифини олганимда ҳам Тошкентда қолдим. Бундан сира афсусланмайман.

Аксинча, эришаётган натижаларим билан ватаним тараққиётига ҳисса қўшаётганимдан қувонаман. Шунга мос равишда ўзим ҳам доимий қўллаб-қувватловни ҳис қиламан. Илмли хотин-қизларга эътибор, рағбат ошиб бораётганини кўриш қийин эмас. Гендер тенглик масаласи ҳозир демократик давлатларда кун тартибида тургани рост. Бу борада дунё халқларининг ютуқлари ҳам, камчиликлар ҳам бор. Мамлакатимизда бу борадаги ишлардан доим фахрланаман. Чунки бизда азалдан хотин-қизлар қадрланган. Охирги йилларда эса уларнинг таълим олиши, касб-ҳунар эгаллаши, меҳнат қилиб, қўшимча даромад топиши учун барча шароит яратиб берилмоқда.

Имтиёзлар уларни руҳлантиряпти, янги марралар сари ундаяпти. Шу жамиятнинг бир вакиласи сифатида ватанимга бўлган муҳаббатимни касбим, илмий ютуқларим орқали изҳор этишни мақсад қилганман.

**Гўзал ҲАКИМОВА,**
*“Intech Global” хориж компаниясининг Ўзбекистондаги гуруҳи контент-менежери, халқаро иқтисодчи*

## ҲАНУЗ ВАТАН ҲАҚИДА ШЕЪР ЁЗА ОЛМАДИМ

**Бир донишманд уятни “виждоннинг сиртқи кўриниши”, деган эди. Ўзидан уялиш ҳисси эса атрофдагиларнинг виждонини ҳам “кўра олиш” демакдир. Бу ҳис инсоннинг сўзи билан амалини уйғунлаштиради. Ўзи амал қилмаган сўзларни айтишдан қўрқади. Бизнинг миллий фожиамиз ҳам айнан сўз билан амал икки қутбга ажралиб қолган замонларда бошланди.**



Тарихга назар солинг, бугунги илм-фан тараққиётининг пойдевори ислом таълимоти келганидан кейин беш аср ичида барқарор шаклланди. Не саодатки, бу тараққиётнинг илк ғиштини қўйган одамлар боболаримиз эди. Шу заминдан чиққан улуғ зотлар дунё аҳлига муаллим бўлди. Аммо вақт ўтган сари жамиятда сўз билан амал ўртасида тафовут пайдо бўла бошлади. Одамлар дину диёнатдан узоқлашиб, эзгулик ҳақидаги даъватлар уларнинг бўғизларидан нарига ўтмай қолди. Амал йўқолди, ҳалоллик сўзда қолди. Ҳазрат Бобур “Бобурнома”да 1393-1394 йиллар кечмиши ҳақида ёзар экан, Самарқанддек мўътабар шаҳарнинг маънавий аҳволини ачиниш билан тасвирлайди. Чунки беклар ва бекзодалар ахлоқсизликларга шўнғиб кетган эди. Эл-юрт, дин ва мамлакат тақдири ҳеч кимни қизиқтирмай қўйганди. Сабаби, жамиятда сўз билан амал бирлиги йўқ эди.

Ўзидан уялиш ҳисси кўнгилда қарор топса, аста-секин ижтимоийлашиб боради. У бир куни шундай улканлашадики, энди бу хислатга эга ҳар бир одам ўзини миллат ва ватан олдида ҳам масъулиятлиман, деб биладиган бўлади. Мана шу масъулият миллатнинг саодати, ватаннинг шаън-шавкатидир.

Бугун ўзимдан уялиш ҳисси билан бирга шу ватан истиқболи учун дахлдорман, деган катта масъулиятни ҳам ҳис этаман. Шоир бўла туриб, ҳеч бир шеъримда ватанни ўзим истагандек таърифлай олмаганим сабаб ўзимдан қанчалик уялсам, уни оҳори тўкилган, чақа сўзларга буркашни лозим топмаганим, сўз масъулиятини ҳис қилганим шунча қувонтиради.

Шу тирик ҳақиқатни ўзимча бундай англадим: ватан кўз олдимга келди, рўйирост кўринди, унинг бағрида ўзимни ҳам кўрдим, кичкинагина ҳовлимдаги каптархонадек болохонада ўтириб-учиб, ватанимнинг поёнсиз суратини ойна-кўнглимга сиғдиришга уриниб турган ҳолимда унга қўшилиб-бирлашиб кетган эканман.

Мен ватаним берган бошпанада яшаб, у берган неъматлардан жон, ҳавосидан нафас олиб ўтирган эканман. Зувалам ҳам унинг тупроғидан, қариб қайтар тупроғим ҳам — шу!

Энди шукронамни шеърга солмоқчи бўлдим. “Ўҳ-ҳў, қанчалар бепоён экансан, ватан!” деб ёздим, қуруқ гап бўлиб қолди, ватанга қуруқ гап айтиб бўлмас экан.

“Каъбамсан, ватан!” деб ёздим, лекин ўзим ватанимнинг қоқ бағрида — пойтахтида ўтирибман, чоратрофим — ватан, унга букилиб сажда эмас, елиб-югуриб хизмат қилишим керак, деб ўйладим.

“Эрка ўғлингман, ватан”, деб ёздим, аммо ёшим ўтиб қолди, ҳалиям боладай эркалик қилиб юрсам, ярашмас-ов, деган андишага бордим.

“Ватан, сен — уйлар бир-бирини суяйдиган, йўллар бир-бирини улайдиган, қўшиқлар бир-бирини тинглайдиган, сувлар бир-бирини излайдиган, мақсадлар бир-бирини сизлайдиган бузрук маъвосан, лекин юрагимга сиғасан”, деб ёздим, тузукка ўхшади, аммо шеър бўлмади.

“Ватан — мен сенинг…” деб ёзаётиб шартта тўхтаб қолдим: боядан бери ватанни таърифлайман деб, нуқул ўзимни тиқиштиряпман экан, худди ватан ҳаммамизники эмас, битта меникидек.

Бошқа ёзолмадим, ўйлайвердим, ўйлаганим сари ватан катталашиб, ўзим кичрайиб боравердим. Қарасам, қоғозга термулганча, қаламни қийнаб, фақат бир сўзни шивирлаб ётибман: “Ватан”, “Ватан”, “ Ватан…”.

Шу сўзни товушимни чиқариб, баралла айтиб юбордим. Айтдим-у, бирдан дераза кенгайиб, осмон ёнимга келди, ўзим қуёшнинг ёнидан жой олдим. Шу ердан туриб, ватанга тикилдим. Бу — тириклик, мен ҳам унинг ичида тирикман: шулар бўлмаса, мен бўлармидим?! Тағин ўзимдан уялдим… Сиз-чи, сиз ҳам уяласизми?

**Исмоил МАҲМУД,**
*Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси, Ёзувчилар уюшмаси аъзоси*

Маънавий юксалиш

# ЮРТ РАВНАҚИДА ҲАР БИР ҲОЖИНИНГ ҲИССАСИ БЎЛСИН!

**Мусохон АББАСИТДИНОВ,**
*Наманган вилояти бош имом-хатиби*

**Ҳаж зиёрати ҳар бир мусулмоннинг орзуси. Не бахтки, бундай эзгу ниятга янги Ўзбекистонимизда ҳеч бир қийинчилик ва тўсиқларсиз эришилмоқда. Хусусан, давлатимиз раҳбарининг қўллаб-қувватлови ва ташаббуси билан ҳаж ва умра амалларини бекаму кўст адо этиш учун барча имкониятлар ва қулай шароитлар яратилмоқда. Йил сайин ҳаж квотаси оширилиб, сўнгги етти йилда 60 мингдан ортиқ юртдошимиз муборак ибодатни адо этиб қайтгани фикримиз тасдиғидир. Жорий йилги ҳаж мавсумида ҳам ўн беш мингдан зиёд ҳамюртимиз ҳожилик мақомига эришди.**

Шу ўринда ўтмишни бир эслайлик. Қанчадан-қанча аждодларимиз бу муборак ибодат орзусида дунёдан ўтди. Шукрлар бўлсинки, аждодларимиз орзу қилган кунлар бизларга насиб қилди. Ватанимиз тараққиёти, халқимиз фаровонлиги йўлида олиб борилаётган оқилона сиёсат ўз самарасини бермоқда. Диний-маърифий соҳага кўрсатилаётган эътибор сабаб бу йилги ҳаж мавсуми ҳам ўзгача шукуҳ ва кўтаринки кайфиятда амалга оширилди.

Эътиборлиси, “Ҳаж — 2024” мавсуми ҳожиларимиз учун эсда қоларли даражада якунига етди. Айниқса, Мадинаи мунаввара ва Маккаи мукаррамада юртимиз мўмин-мусулмонлари учун яратилган шарт-шароитларга кўплаб мусулмонларнинг ҳаваси келгани бор гап. Меҳмонхоналар, Мино, Арафот водийларидаги шароит ва имкониятлар, тиббий ва транспорт хизматлари барчага манзур бўлди. Мамлакатимиз етакчисининг муфтий, шайх Нуриддин Холиқназар ҳазратлари билан телефон орқали суҳбати ҳожиларимизни янада руҳлантирди. Бу каби эътибор ва ғамхўрлик ҳожиларни маънавият тарғиботчиси бўлишдек эзгу ишга чорлади.

Бундан бир муддат аввал Президентимиз: **“Ибрат домланинг “Уламо ғайрат этканда миллат, албатта, ислоҳ топур”, деган ҳикматли сўзларини ёдга олайлик. Зиёлилар, нуронийлар, ҳаж ва умрага бориб келган юртдошларимиз маънавият тарғиботчиси бўлиши, одамларни яхшиликка бошлаши керак”,** дея таъкидлаган эди. Ушбу сўзлар диний соҳа вакиллари ва ҳожилар фаолиятига асос қилинди. Ҳозир маҳаллаларда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш учун қатор чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилган. Шу ўринда ҳожиларимиз “Янги Ўзбекистоннинг фидойиси бўлиб, маънавият тарғиботчисига айланамиз!” шиори остида ташаббус кўрсатиб, ўз маҳаллаларида барчага ўрнак бўлмоқда. Бу фаолиятни тўғри ташкил этиши учун “Янги Ўзбекистон фидойиси” номли илмий-услубий қўлланма яратилди.

Хусусан, шу кунларда ҳудудлардаги имом-хатиб ва имом-ноиблар ўзларига бириктирилган маҳаллаларда маҳалла раиси ва ҳожилар иштирокида “Жаҳолатга қарши — маърифат” шиори остида маънавий-маърифий тарғибот тадбирлари ўтказмоқда. Шунингдек, ижтимоий ҳимояга муҳтож, ногирон, кам таъминланган оилалар ҳузурида бўлиб, ёшларни ёт оқимлар таъсиридан асраш, уларни Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш, илм олиш ва касб-ҳунар эгаллашга қизиқтириш, ота-онаси ва оиласини ҳурмат қилишга ундаш юзасидан тушунтириш ишларини олиб боряпти.

Бундан ташқари, ҳожиларнинг ҳар бири ҳудудлардаги кам таъминланган, якка-ёлғиз ва ёрдамга муҳтож, боқувчисини йўқотган, шахсларга бириктирилган эди. 2024 йил 26 август кунига қадар ҳожиларимиз томонидан эҳтиёжмандларга қиймати 163 миллион сўмдан зиёд озиқ-овқат маҳсулотлари хайрия қилинди. Ўндан ортиқ фуқаро иш билан таъминланди. 19 нафар юртдошимизнинг уй-жойи таъмирланди. 421 нафар фуқаронинг оилавий ажрим, ўзаро низо ва жиноят содир этилишининг олдини олиш билан боғлиқ ижтимоий масалалари ижобий ечимини топди.



Шунингдек, мингдан зиёд ҳожиларимиз ҳудудларда фаолият олиб бораётган тарғибот гуруҳлари билан биргаликда тадбирларда қатнашиб, ижтимоий ҳимояга муҳтож шахслар орасида профилактик суҳбатлар ўтказди, улар тўғри йўлга ўтишига сабабчи бўлди.

Бундай саъй-ҳаракатларимизнинг бесамар кетмаётгани қалбимизга ёруғлик ва ҳузур бағишлаши баробарида кўнгли ўксик, эҳтиёжмандларга ҳам қувонч келтирмоқда. Бу эса давлатимиз раҳбари белгилаб берган тамойилнинг нақадар тўғри эканини, таклиф этилган ташаббуслар замирида узоқни кўзлаган эзгу мақсад ётганини кўрсатди.

Дарвоқе, бугун халқимиз эркин ва озод ҳаётга эришганининг 33 йиллигини катта тантана билан нишонлаётган бир пайтда маҳаллаларда тичлик-осойишталик, ободлик, маънавий юксалиш сари олиб борилаётган бундай тарғибот ва ташвиқотлар мустақиллигимизни янада мустаҳкамлаб, **“Бир бўлсак — ягона халқмиз, бирлашсак — Ватанмиз!”** шиори остида бирдам бўлишга ундайди.

Бугун мана шундай шукуҳли дамларда истиқлолимиз абадийлигини, муваффақиятларимиз бардавомлигини Яратгандан сўраб, хайрли амалларимиз билан юрт равнақига ҳисса қўшишимизда Аллоҳ таоло барчамизга мададкор бўлсин деб қоламиз.

## Сўз — ҳожилар, маънавият ва эзгулик тарғиботчиларига:

**Абдулмажид ҳожи ТЎРАЕВ**
*Наманган шаҳри*

— Биз жуда бахтиёр ҳожилардан бўлдик. Чунки давлатимиз раҳбари телефон орқали муборак ҳаж ибодати учун яратилган шароитлар, соғлиқ-саломатлигимиз ҳақида сўрагани бизларни чексиз мамнун этди. Арафот водийсида Президентимизнинг Қурбон ҳайити табригини Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Шайх Нуриддин Холиқназар ўқиб эшиттирди. Шу муқаддас жойда юрагимга бир мақсадни тугдим: Президентим ҳожиларга шунчалик эътибор қаратибдиларми, демак, мен ҳам шунга жавобан ҳеч бўлмаса, маҳалламдаги ёшлар тарбиясига масъул бўлиб, маҳалладошларим тинчлигига ўз ҳиссамни қўшаман.

Алҳамдулиллаҳ, ҳозирда ҳар душанба куни имом-домлаларимиз билан маҳаллада ёшларга ўз мисолимда бу юртда меҳнат қилган одам хор бўлмаслигини тушунтиряпман.

**Шерқўзи ҳожи ИСАҚОВ**
*Мингбулоқ тумани*

— Бу йилги ҳаж сафари ҳаётимни тубдан ўзгартирди. Ўша жойларда юртимиз ҳаққига, унинг тараққиёти ва тинчлик-осойишталигини сўраб дуолар қилдим. Илоҳим, бундай шароитларни яратиб бериш ташаббускори бўлган Президентимизни Аллоҳ ҳамиша қўллаб-қувватласин.

Дунёда ўз ўрнимизга эга бўлишни истасак, буюк тарихимиз билан бир қаторда маърифатпарвар жадид боболаримиз қолдирган маънавий меросни чуқур ўрганиб, уларнинг ўгитларига амал қилишимиз, Ватан тараққиёти учун куйиб-пишадиган янги авлодни тарбиялашда ўзимизнинг муносиб ҳиссамизни қўшмоғимиз лозим. Бу — бизнинг шарафли бурчимиз.

Шу боис, биз, ҳожилар янги Ўзбекистон фидойиси бўлиб, маҳалламиздаги ёшларимизни ёт ғоялардан асраш, уларни Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш, илм ва касб-ҳунар эгаллашига кўмаклашиш, оилаларда, жамиятда меҳр-оқибат муҳитини мустаҳкамлаш ҳамда эҳтиёжмандлар ҳолидан хабар олиш ишларида имом-домлалар билан биргаликда тарғибот ишларини олиб бормоқдамиз.

Ҳазрат Алишер Навоий айтганидек:

**Одамий эрсанг демагил одами,**
**Ониким йўқ халқ ғамидин ғами.**

**Арслонлар юртида арслон улғаяр, деган нақл бор. Босқинчи тузум халқимизнинг асл фарзандларини йўқ қилишга кўп уринди. Эҳтимол, ўша вақтда боболаримиз жисмонан маҳв этилгандир, аммо халқимиз ўзлигини, асл наслини сақлай олди.**

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz

31 август — Қатағон қурбонларини ёд этиш куни




# Саксон олти йил кутилган хабар

## ёхуд тикланган адолат тантанаси



**1938 йил январь. Бекободнинг изғиринли шамоли кўз очирмайди. Ховос станциясида тўхтаган Самарқанд – Тошкент поездига чиқиш учун шошаётган оломон орасида ўттиз беш-қирқ ёшлардаги ўрта бўйли бир йигит ҳам бор. У нима қилиб бўлса ҳам поездга чиқиб олишга уринар, лекин одамлар тамбурга оёқ қўйишига йўл қўймасди. Ниҳоят орқасига тўрва ортмоқлаб олган кўйи бир амаллаб вагонга илашди.**



**Абдураҳмон МУСТАФОҚУЛОВ,**
*журналист*

Туманнинг олис Киров колхозидаги Намингон қишлоғидан Ховосгача ўттиз беш чақирим йўлни кечаси билан пиёда босиб келган йигитнинг юзига ғам кўланка солган. Ичкарида жой йўқлигидан тамбурнинг бир четига чўка қолган Мустафоқулни поезднинг бир маромдаги ҳаракати элитди. Лекин уйқу қаёқда? Юраги тўла ғам! Саккиз-ўн йилдирки, унинг оиласи таъқиб остида. Коллективлаштириш, қулоқ қатағони оиласини пароканда қилди, отасидан айирди. Отаси Шерназарбойнинг мол-мулки тортиб олинди. Ўзлари эса қувғин қилинди. Мана, ҳозир ҳам акаси Ҳотам Шерназаровнинг дарагини эшитиш учун Тошкентга боряпти. Уни олти ой олдин ярим кечада номаълум шахслар қўлини қайириб олиб кетган. Шундан бери акасини излаб бормаган жойи қолмади. Лекин жигарбандининг дараги орадан саксон олти йил ўтгач чиқишини ҳали билмасди! Фақат кўнглида зулмат абадий эмаслигига, қуёш албатта бош кўтаришига, рутубат тарқашига, адолат жаҳолатни парчалаб ташлашига умид қиларди, холос!

### Умид қалдирғочи

2024 йил 19 июлда Президентимизнинг "Сиёсий қатағон қурбони бўлган юртдошларимиз ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш, тарғиб этиш ҳамда уларнинг хотирасини абадийлаштириш борасидаги ишларни кенгайтириш тўғрисида"ги қарори эълон қилинди. Миллий ўзлигимиз, давлатчилигимиз, маънавий қадриятларимизни сақлаб қолиш йўлида қурбон бўлган фидойи шахслар хотирасини абадийлаштиришга қаратилган ушбу қарор том маънода тарихий адолат тантанаси бўлди. Ундаги *"Ўзархив" агентлиги Давлат хавфсизлик хизмати билан биргаликда давлат архивларида сақланаётган қатағон қурбонлари ва жадидлик ҳаракати намояндаларига оид муайян архив ҳужжатларини белгиланган тартибда махфийликдан чиқариш чораларини кўрсин"* деган банд тақдир тақозоси билан ўтган асрнинг эллигинчи йилларида Сирдарё вилоятининг чўл туманларига кўчиб келган Шерназаровлар оиласи аъзолари қалбида умид учқунларини уйғотди. Гап шундаки, ўтган асрнинг 30-йилларида қатағонга учраган Шерназар ота қулоқ қилиниб, мол-мулки мусодара бўлган. Бу оиланинг тўнғич аъзоси Ҳотам Шерназаров эса 1937-1938 йилларда қамоққа олинган ва у тўғрисида ҳеч қандай расмий маълумот олишнинг иложи бўлмай келаётган эди. Мустабид тузум даврида Ҳотам Шерназаровнинг укаси Мустафоқул Шерназаров акасининг дарагини излаб, бормаган жойи, кирмаган идораси қолмаган, халқ душмани сифатида ҳамма жойдан ҳайдаб чиқарилган. Шу тахлит ўттиз беш йил уринди. Оқибат ўтган асрнинг етмишинчи йилларида акасининг дарагини топишни ўғли Абдунаби Мустафоқуловга васият қилган кўйи армон билан оламдан ўтди. Тўқсонинчи йилларга яқин қилинган уриниш сал наф бергандек бўлди. Журналист Аҳмадали Шерназаровнинг мурожаати рад этилиб, турли баҳоналар билан Давлат хавфсизлик қўмитасининг архивидаги махфий маълумотларни очиқлашдан бош тортишади. 2014 йилда Абдунаби Мустафоқулов ҳам оламдан ўтади. Адолатни тиклаш келгуси авлодлар зиммасига юкланади. Президентимизнинг ушбу қарори қабул қилингач, бирор хабар топиш умидида "Шаҳидлар хотираси" жамоатчилик фондига мурожаат қилинади. Еттинчи август куни фонднинг масъул ходими мурожаатга асосан, Ҳотам Шерназаровнинг жиноят иши тафсилотлари аниқланганини айтиб алоқага чиқади. Умид қалдирғочи қанот ёза бошлади.

### Зулматнинг бошланиши

Юнусободдаги "Шаҳидлар хотираси" жамоатчилик фондига томон йўл олар эканмиз, боболар, момоларнинг гувоҳлиги асосида эшитганимиз — ўша кунларнинг воқеалари кўз ўнгимизда гавдаланди.

Ўтган аср бошларида Шерназар ота Сирдарё вилояти Ховос туманидаги Сўлоқли қишлоғининг бой-бадавлат кишиси сифатида яхшигина ном қозонган эди. Унинг бир неча юз гектар ери, чорваси, ва иморатлари бўлгани тўғрисида маълумотлар келган. Оилага қарашли ерларда Ўратепа, Шаҳристон каби шаҳарлардан келган йигирма чоғли инсон меҳнат қилган ва шунга яраша ҳосилдан улуш теккан. Унинг уч ўғли бўлган — Ҳотам, Мустафоқул, Муртазоқул. 1928 йилда бошланган коллективлаштириш талатўпи Ховос туманига ҳам етиб келади. Баландчақир, Пасткичақир, Совот, Мўғол, Чанговул каби қишлоқларда аввалига артеллар, кейин эса ёппасига колхозлар тузила бошланади. Ўша пайтларда серсув, атрофдаги ерлари унумдор бўлган бу ҳудудлар мустабидларнинг ўй-хаёлини ўғирлаган эди. Колхозга кўнгилли равишда жалб қилиш шунчаки тарғибот, ниқоб экани тезда аён бўлади. Намингон ва унинг этагидаги Сўлоқли каби бир қанча қишлоқлар таркибида Киров номидаги колхоз тузилади. Яқин атрофдаги қишлоқлар аҳолисига қарашли минг гектарга яқин ер колхозга олинади. Шунингдек, аҳолининг от, сигир, ҳўкиз, қўй каби чорвалари, омоч, кетмон каби қуроллари ҳам мусодара қилинади. Муқаддам ўз оиласи эҳтиёжлари учун эркин меҳнат қилиб, ҳосилдан ўзи баҳра олган аҳоли амалда бор-будидан айрилади. Бунинг устига мажбурий меҳнат шакли пайдо бўлади. Аҳоли ёппасига далага ишга олиб чиқилиб, қатъий норма асосида ишлатила бошланади. Тотал тузумга хос бундай тартибдан кўпчилик норози бўлади. Лекин репрессив тузум бундай шахсларни қатъий йўқ қилиш йўлидан боради. 1930 йил 30 январда ВКП(б) МК Сиёсий бюросининг "Ёппасига коллективлаштирилаётган районларда қулоқ хўжаликларини тугатиш тўғрисида"ги қарори қабул қилиниши мана шундай мудҳиш жиноятларга амалда фатво беради. Барча жойларда бўлгани сингари Киров колхозида ҳам оммавий қатағонлар, сиёсий таъқиблар кучаяди. Айниқса, Шерназаровлар оиласи ВЧК-НКВД-ОГПУ назарига тушиб қолади. Оила аъзолари орасида ўқимишли шахслар борлиги, жамиятда мавқеи баланд экани уларнинг келгуси режаларига мос эмасди. Боиси, элнинг энг олди шахсларини йўқ қилиш орқали халқни манқуртга айлантиришдек мудҳиш режа тузилганди. Оиланинг ерлари, чорваси мусодара қилинади. Айрим нарсаларни сақлаб қолиш мақсадида Шерназар ва унинг ўғиллари ярим кечада тилла буюмлар, гиламларни яқинроқдаги жарга кўмишга мажбур бўлади. Лекин бу хатти-ҳаракатдан хабар топган большевиклар жардаги ушбу буюмларни топади ва араваларга ортиб марказга олиб кетади. Шерназаровлар оиласи қаттиқ таъқибга олингач, улар юпун турмуш кечира бошлайди. Оила аъзоларидан бир қанчаси 1931 йилда Самарқанд вилояти Нарпай колхозига сургун қилинади. Нарпайга қулоқ қилинганлар жуда оғир шароитларда сақланади. Улар усти қамиш билан ёпилган ертўлаларда, баракларда яшашга мажбур бўлади. Айтишларича, етиштирилган ҳосил битта ҳам қўймай, Россияга ташиб кетиларди. Нотўғри сиёсат туфайли СССРнинг барча ҳудудларида очлик, қаҳатчилик авж олганди. Волгабўйи аҳолисини очликдан шу тарзда сақлаб қолиш режалаштирилганди. 1936 йилда коллективлаштириш қатағони сал юмшагандек бўлади. Ўша йили Ҳотам Шерназаров яна Киров колхозига қайтиб келади.





### Ҳибс ва таъқиб

Ортга қайтган Ҳотам тўрт, Муртазоқул икки фарзандини соғ-омон кўрганига шукр қилади. Улар тинч ҳаётга қайтади. Бу пайтга келиб 44 ёшда бўлган Ҳотам Шерназаров Сўлоқли қишлоғидаги масжидда бир қанча одамлар билан тинчгина ибодат қилиб юради. Ўша пайтда яшаган одамлардан келган хотираларга кўра, Ҳотам Шерназаров ниҳоятда ўқимишли, билимдон, тараққийпарвар, шу билан бирга, миллий ўзликка, маънавий қадриятларга садоқатли шахс бўлган. У бир қанча китоб ёзган. Оиланинг пароканда қилиниши, ота-онасининг сиёсий таъқибга учраб бевақт оламдан ўтишини унутолмаган эди. Миллатнинг қуллик занжирига солинаётгани, дин таъқиб қилинаётгани, миллий ўзлик эскилик сарқити сифатида кўрилаётгани уни қониқтирмасди. Унинг ўрнига совет ташвиқоти томонидан амалда бошқа миллат маданияти, тарихий қадриятларини улуғлаш, ибо-ҳаёга зид урфлар сингдирилаётгани кўпчилик қатори Ҳотам Шерназаровнинг ҳам нафратига сабаб бўлаётганди. Афсуски, у ҳам бошқалар қатори чорасиз эди.

Ўша кунларда НКВД агенти катта оғаларига Ҳотам Шерназаровнинг "Олдин ҳосилнинг ҳаммаси ўзимизда қоларди, колхоз бўлгач, йиғилган ғалланинг барчаси олиб кетиляпти, бола-чақамизни қандай боқамиз", деган гапини етказади. 1937 йил кузининг рутубатли кечаларидан бирида Шерназаровлар хонадонига эгнига узун чарм кийимлар кийган, заҳил юзли тўрт-беш кимса бостириб киради. Уй тинтув қилиниб, қўлларига илинган нарсаларни олади. Ҳотам Шерназаров банди қилиб олиб кетилади. Унинг ортидан Худоёр, Ортиғой, Бувойша каби фарзандлари чириллаб йиғлаб қолади. Уч ёшли қизалоғи Янглиш нима бўлаётганини тушунмай, бир бурчакда кўзлари аланг-жаланг ўтирарди.

Ҳотам Шерназаров олиб кетилгач, унинг оиласи билан алоқа қилиш барчага тақиқланади. Фарзандлар мажбурий меҳнатга жалб қилинади. Унинг укалари Муртазоқул, Мустафоқул ҳам таъқибга учрайди.

— Уйимизга ҳар куни одамлар келиб, онамни қамчилаб кетарди, — деб эслайди Янглиш Шерназарова. — Онам бизни молхона охурига яшириб, устимизни хашак билан беркитарди. Нотаниш кимсалар бизни излаб, ўткир учли таёқ тиқиб кўрарди. Бундай таёқ неча бор биқинимизни тешгудек бўлиб ботса ҳам қўрққанимиздан овоз чиқармасдик. Агар топиб олишганида болалар уйига юбориш ёки оиламиз билан яна сургун қилинишимиз эҳтимоли бўлган.

Мана шундай хўрлик ва зулмдан оила аъзолари бирин-кетин қирила бошлайди. Шу тариқа етим қолган Ҳотам ва Муртазоқулнинг фарзандлари мутлақо бегона шахслар қўлига тушиб қолади. Айримлари бевақт ўлиб кетади. Айримлари эса яхши инсонлар қўлида етимликда катта бўлади. Улар ўз ўтмишини, асл фамилиясини яшириб яшашга маҳкум эди.

### Мустафоқулнинг тақдири



Ота-онаси, акаларидан айрилган Мустафоқул Шерназаров ҳам таъқибда яшашга мажбур эди. Бу хокисор инсон таъқиб сабаб акаларининг фарзандларини ўз қарамоғига ололмайди. Уларни бегона оилалар паноҳида сақлашга мажбур бўлади. У имкон топиши билан Тошкентга бориб, акасининг дарагини топишга ҳаракат қиларди. Лекин ҳеч нарсага эришолмай қайтиб келарди. Халқ душманининг укаси сифатида ҳар эшикдан ҳайдалар, ҳамма жойда "Ҳотам Шерназаров ҳақида ҳеч нарса маълум эмас", дея бир хил жавоб беришарди. Тошкентда ҳафталаб қолиб кетар, кўчада, перронларда тунашга мажбур бўларди. Акасига атаб олиб борган нон, туршакларни қайтишда бева-бечораларга ҳадя қиларди. Қишлоққа қайтгач эса яширинча Рўзихон, Янглиш, Бувойша, Ортиғойнинг ҳолидан хабар олиб турарди.

— Ўша пайтда Намингон қишлоғилик Эшонқул деган шахс Тоштурмадан қайтиб келади, — деб эслайди Жиззах вилояти Янгиобод тумани фахрийси, марҳум Аҳмадали Қўқонбоев. — У турмада Ҳотамни қўлини қайириб олиб кетишаётганини кўрганини, "Эшонқул, мени отишга ҳукм қилишди, уйдагиларга айтиб қўй", деган гапини етказади.



Шу тариқа мулла Ҳотамнинг тирик қайтишига бўлган умид батамом сўнади. Энди қатағончилар Мустафоқулга кун бермасди. Қирқинчи йилларда Зомин туманининг йигирма чақиримча наридаги Қорапчи қишлоғига кўчиб кетишга мажбур бўлади. Бу ерда у Ахчахон қишлоқ кенгашига қоровул вазифасига ишга жойлашади ва Ҳалима деган аёлга уйланиб, бир неча фарзандли бўлади. Лекин бу ерда ҳам осон бўлмайди ва эллигинчи йилларда оиласини олиб, Мирзачўлга кўчиб келади. Ниҳоят ҳозирги Ширин шаҳри Нуробод маҳалласида ўтроқлашиб қолади.

### Абадий адолат масканида



Анҳор бўйидаги "Шаҳидлар хотираси" хиёбони тинч-осуда, гулларга, ям-яшил майсаларга бурканган гўзал маскан. Тарихий манбаларда бу ерда қатағон йиллари миллатимизнинг юзлаб ўғлонлари отиб ташлангани айтилади. Хиёбон оралаб борар эканман, амаким Ҳотам Шерназаровнинг хоки ҳам шу ерда ётганмикан деб тупроққа авайлаб қадам босаман. "Шаҳидлар хотираси" жамоатчилик фонди бош илмий ходими Баҳром Ирзаев мени хуш кутиб олди. Ҳаяжонимни яшира олмайман. Ҳозир мен эшитадиган хабарни иккита авлод билолмай, армонда ўтиб кетган.

— Сирдарё вилояти Ховос тумани Сўлоқли қишлоғида яшаган Ҳотам Шерназаровга нисбатан контрреволюцион тарғибот қилганлиги айби қўйилган, — дейди Баҳромжон. — У тергов пайтида айбини тан олмаган. Унинг жиноят ишида қулоқ, имом-руҳоний экани кўрсатилган. Бир неча ой давом этган тергов якунланиб, 1937 йил февралда иш "учлик" ҳукмига ўтказилган. Лекин суд бўлмаган. Ҳотам Шерназаров тергов пайтида вафот этгани сабаб иш ёпилган.

Ҳаммаси тушунарли эди. Катта эҳтимол билан "қулоқ ва руҳоний кимса, ёт синф вакили"га жисмоний ва руҳий таъқиб ўтказилган. Шунинг учун ҳам у "учлик" чангалига етиб бормаган.



### Оққан дарё оқаверади

Арслонлар юртида арслон улғаяр, деган нақл бор. Босқинчи тузум халқимизнинг асл фарзандларини йўқ қилишга кўп уринди. Эҳтимол, ўша вақтда боболаримиз жисмонан маҳв этилгандир, аммо халқимиз ўзлигини, асл наслини сақлай олди. Масалан, озодлик курашчиси бўлган Ҳотам Шерназаров, қатағон қурбонлари Мустафоқул ва Муртазоқулнинг авлодлари истиқлол йилларида гуркиради, қанот ёзди! Жумладан, Ҳотам Шерназаровнинг Янглиш, Ортиғой исмли қизларидан кўплаб фарзандлари уста тадбиркор, санъаткор, муҳандис, таълим фидойиси бўлиб етишди!

Мустафоқул Шерназаров авлодларининг барчаси ўқимишли, зиёли, эл орасида катта обрўга эга раҳбар инсонларга айланди. Унинг тўнғич ўғли Абдунаби Мустафоқулов етук раҳбар, устоз-муаллим, Аҳмадали Шерназаров устоз-журналист сифатида катта шуҳратга эришди. Улар фидокорона меҳнатлари учун орден-медалларга сазовор бўлди. Ҳозир сон-саноқсиз набиралар орасидан ўнлаб врач, ҳуқуқшунос, ўқитувчи, журналист, муҳандис, дастурчилар етишиб чиққан. Жамиятнинг энг олди вакиллари сифатида улар соғлиқни сақлаш, таълим, суд-ҳуқуқ органлари, ОАВ, ахборот технологиялари, энергетика каби соҳаларда фаолият кўрсатяпти. Улар ўз ватани, миллий ўзлиги билан чексиз фахрланади! Қатағонга учраган Шерназар бобо, озодлик учун курашда шаҳид кетган Ҳотам бобо томонидан қўйилган тамал тоши устига эзгулик ғиштини теришни ўзларининг бурчи деб билади!

Шерназар бобо авлодлари истиқлол қандай неъмат эканини ўз тақдири орқали яхши англайди. Бошқаларни ҳам уни асраб-авайлаш, шунга муносиб бўлишга чақиради. Ҳа, адолат тикланаётган Ўзбекистонда "Бир бўлсак — ягона халқмиз, бирлашсак — Ватанмиз!" деган ғоя атрофида жипслашишимиз шарт!



**ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-KODНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.**

"Янги Ўзбекистон" ва "Правда Востока" газеталари таҳририяти" ДМ

МУАССИС:
**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси**

Бош муҳаррир:
**Салим ДОНИЁРОВ**

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Kolorpak" МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
**Нашр индекси** — 236. **Буюртма** — 2954.
41126 нусхада босилди.
**Ҳажми** — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нархда.

"Kolorpak" МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Ўзбекистон, 100060.
Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй.
Босмахона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Азизбек Юсупов
Мусаҳҳиҳ: Малоҳат Мингбоева
Дизайнер: Зафар Рўзиев

Манзилимиз:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

Қабулхона: (71) 233-56-33 Девонхона ва эълонлар: (71) 233-70-98 E-mail: info@yuz.uz Веб-сайт: www.yuz.uz: (71) 233-47-05

ЎзА якуни — 01:05 Топширилди — 01:15